Ин... 10495
Гос. книжная палата УзССР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 30 март, пайшанба №39 (21.802.) Сотувда эркин нархда.

ИСЛОМ КАРИМОВ:
ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДИР

Суратларда: матбуот конференцияси пайтида.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Тошкентда Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди.

— Учрашувларимиз мунтазам тус олганидан хурсандман, деди Президент тўпланганларга мурожаат қилар экан. Бугун сизларни ўтган йил охирида бўлган учрашувимиздан кейин ўтган вақт ичида республикамиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалардан хабардор қилмоқчиман.

Ёз даар Ўзбекистоннинг БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлигида ўтказилган йирик халқаро анжуман ва тадбирларда фаол иштирок этгани билан алоҳида ўрин тутади. Биз бу тадбирларда иштирок этишга республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги муҳим восита, бизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда юз берётган янгиланишларга халқаро тузилмаларнинг эътиборини жалб этиш ва бу ишда уларнинг кўмагидан фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада ривожланиши, миллий хавфсизлики, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг муҳим гарови, деб қараймиз.

Биз ЕХҲТнинг Будапештда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон делегациясининг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга, деб биламиз. Бу Конгрессда Ўзбекистон минтақамизда барқарорлик ва тинчликни сақлаб туриш, ЕХҲТнинг бу жараёнда, экология муаммоларини, хусусан бугунги кунда миллийлик доирасидан чиқиб, умуминсоний муаммога айланган Орол муаммосини ҳал этишда янада муайянроқ иштироки билан боғлиқ бир қанча ташаббусни кўтариб чиқди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлабоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келади. Шу йил 20 январда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда, жаноб Холид Малик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгаш муҳим воқеа бўлди. Анжуманда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида БМТ билан уч йиллик ҳамкорлик натижалари таҳлил этилди ва бу ҳамкорликни янада такомиллаштириш йўллари белгиланиб олинди.

Ўзбекистон делегацияси иштирок этган яна бир катта тадбир — Копенгагендаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг халқаро учрашувидир. БМТ ҳомийлигида чақирилган ва ижтимоий тараққиёт муаммоларига бағишланган олий даражадаги бу учрашув ғоят муҳим воқеа бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Республикада амалга оширилаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишнинг ўзи танлаган йўлини тақдим этди. Бу йўл мураккаб ўтиш даврида жамиятда қашшоқлик, оммавий ишсизлик ва аҳолининг кўчиб кетиш жараёнларига йўл қўймасликнинг муҳим шарти бўлиб қолди.

Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан бўёнги тараққиётимиз истиқболини белгилашда умуммиллий тотувликка эришдик. Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни самарали минтақавий механизмларни барпо этиш йўли билан ҳал этиш зарурлигига бизнинг ишончимиз комил. Бу ғояни жаҳоншумул муаммоларни минтақа муаммоларини очиш орқали ҳал этиш ғояси, деб ифодалаш мумкин.

Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарлик доирасида республикада миллий комиссия тузилганини қайд этди. БМТ ваколатхонаси билан биргаликда юбилей тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу режа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда Германия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Голландия каби тараққий этган Европа давлатлари билан ўзаро муносабатларимиз фаол алоқа қилишга юксак интилиш мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Бу муносабатлар анчадан бери мустаҳкам ҳуқуқий негиз асосида ривожланмоқда. Тузилган бир қанча шартнома ва битимлар ана шундай негиз бўлиб, уларнинг кўпи амалда муваффақиятли рўёбга чиқмоқда ва бундан ҳаммамиз мамнунмиз, деб таъкидлади давлатимиз бошлиғи.

Олдинги учрашувимизда айтилганидек, яна бир қанча мамлакатларда дипломатия ваколатхоналаримизни очиш ниятимиз амалга ошди — Лондон ва Брюсселда Ўзбекистон элчихоналари ишлай бошлади.

Ҳозир Ўзбекистон СССР ғарчаланиб кетганидан сўнг Шарқий Европа давлатлари билан ўзилиб қолган анъанавий ва азалий алоқаларни жадаллик билан қайта тикламоқда. 1995 йил биз учун Польша Республикасига давлат таширфи билан бошланди. Ўрда Президент Лех Валенса билан батафсил суҳбат ва дўстона учрашувлар бўлиб ўтди. Ўтказилган музокаралар натижасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги битим ва бошқа бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Март ойининг бошларида, Чехия ташқи ишлар вазири Йосеф Желенец Ўзбекистонга расмий таширф буюрди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини яратиш тўғрисида эришилган ҳаднома бу учрашувнинг асосий якуни бўлди.

Ўзбекистон январ-феврал ойларида Словения ва Хорватия билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Копенгагенда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида Болгария Президенти Желю Желев билан олий даражада ўзаро таширф тўғрисида ҳадномага эришилди. Ўзбекистоннинг Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатлари тараққиётнинг янги босқичига кўтарилмоқда. 30 март куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Молдова таширфи бошланади.

Бу учрашувлар, уларнинг натижалари бундан кейинги ҳамкорлик учун жуда яхши асос ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимизнинг ривожига алоҳида тўхталмоқчиман. Биз АҚШни жаҳон ва минтақа барқарорлигини сақлаб туришда улкан имкониятга эга бўлган мамлакат, халқаро сиёсатнинг муҳим субъекти деб биламиз.

Икки томонлама муносабатлар соҳасида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот суръатлари ошиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ўз навбатида бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан ҳарбий-техника соҳасида амалий ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар яратади. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар шартномавий-ҳуқуқий негизни кенгайтириш йўли билан мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йил охирида Вашингтонда сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозирги пайтда экспертлар яна бир муҳим ҳужжат — иккиёқлама солиқ олмаслик ҳақидаги шартномани тайёрлашмоқда. Биз Қўшма Штатлар билан иккала давлат фуқароларининг эркин келиб-кетиши тўғрисидаги меморандумни имзолашга тайёрмиз. Бу ҳужжат тадбиркор кишилар ва саёҳатчилар учун қулай шарт-шароит яратади. Биз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, экология, иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги бир қанча дастурларни рўёбга чиқаришда АҚШнинг мадади ва ёрдамини юқори баҳолаймиз.

Президент яқин кунларда Ўзбекистон пойтахти билан Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўлининг очилиши мамлакатимизни бир-бирига тағин ҳам яқинлаштиради, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон расмий делегациясининг Корея Республикасига таширфи халқаро ҳаётда катта воқеа бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари Сеулда бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мавзуси дир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Президент Ким Ен Сам билан муҳим ва самарали суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида асосий халқаро муаммолар бўйича Ўзбекистон билан Корея Республикасининг нуқтаи назари ва тутган йўли ўхшаш эканлиги қайд этилди.

Табиийки, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалалари Сеул учрашувларининг диққат марказида бўлди.

Таширф дастурининг муҳим бандлари орасида Кореянинг ДЭУ, Самсунг ва бошқа бир қанча йирик компаниялари вакиллари билан учрашув бор эди. Кореянинг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан таништирилди, сармоя соҳасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари тўғрисида самарали фикрлашиб олинди.

Ўзбекистоннинг жўғрофий-сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради. Бизнингча, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш — Осиёнинг шу қисмидаги мамлакатлар бунёдкорлик йўлидан ривожланишининг асосий шартидир, деди Президент. Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби мамлакатлар билан муносабатимизнинг ривожланишига айни шу нуқтаи назардан баҳо берамиз. Ўзбекистон раҳбари саволлардан бирига жавоб қайтарар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги урушни тезроқ тўхтатиш ва у ерда барқарор вазиятни қарор топтиришдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлади. Кўпгина кенг кўламли режалар, шу жумладан Афғонистон орқали Карачига автомобил йўли қуриш режаси бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг Араб мамлакатлари билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Миср пойтахти Қоҳирада Республикамиз элчихонаси фаолият кўрсата бошлади, тез орада Саудия Арабистонида элчихона очиш режалаштирилмоқда.

Президент МДҲ доирасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг муҳимлигини таъкидлаб, ўзининг Ҳамдўстликка асос бўлган ҳужжатлардаги қоидаларга оғишмай амал қилиш ниятини таъкидлади. МДҲ имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилгани, бу имкониятлар тегишли даражада ишга солингани йўқ. МДҲга муқобил турадиган турли сиёсий тузилмалар тўғрисидаги ғоялар ҳозирги пайтда бутунлай асоссиздир.

МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 10 февралда Алматида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ва бу соҳадаги биргаликда қилинадиган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг қатъий тарафдори эканини баён қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Алматида таклиф этилган МДҲ иштирокчилари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги концепция ва шартноманинг, парламентлараро ассамблеяда иштирок этиш ҳақидаги таклифнинг характери ва мазмунини мақбул эмас, деб ҳисоблади. Биз иқтисодий жиҳатдан жипслашиш тарафдоримиз, ягона божхона макони тарафдоримиз, деди Ислом Каримов, лекин МДҲнинг асосий қоидалари доирасидан четга чиқадиган, миллий тизимлардан устун турадиган тузилмалар, айниқса ҳарбий тусдаги тузилмаларни барпо этишга қатъиян қаршимиз.

Ҳамдўстлик доирасида ҳозиргача барпо этилган умумий ҳуқуқий маконга таяниб, биз ҳозир МДҲ мамлакатлари билан яқиндан икки томонлама ҳамкорлик қилишни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Шу жиҳатдан қараганда, Белорус Президенти А. Лукашенконинг Ўзбекистонга таширфи муҳим воқеа бўлди. Таширф чоғида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича имзоланган ўн саккизта ҳужжат ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ва Белорус иқтисодиёти ва халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Россия бизга ўтган давлатлараро муносабатларда энг муҳим бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз Россия билан ҳам ҳукуматлараро асосда, ҳам бевосита хўжалик алоқалари асосида ҳар томонлама алоқаларимизни янада ривожлантириш ниятидамиз. Россия ҳукумат делегациясининг яқиндаги Ўзбекистонга таширфи натижасида иккала давлат учун муҳим бўлган ҳукуматлараро ҳужжатлар — 1995 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ва молия-саноат гуруҳларини барпо этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон бир минтақадаги давлатларнинг бир-бирига яқинлашувини янада ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир. Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг Туркманистондаги Тошҳовуз шаҳрида ўтган учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги учрашув иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммолари бўйича халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар, бу оламшумул муаммони ҳал этишда жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдорлик билан иштирок этишидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Иқтисодиётда юз берётган ўзгаришлар республикада сармоя солиш учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ, деди Президент. Бу ҳақда хусусан савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг яқинда — март ойида бўлиб ўтган мажлисида гапирилди, унда Ўзбекистондаги вазият сармоялар киритиш учун жуда қулайлиги таъкидланди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимиз ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Биз бунга катта аҳамият берамиз. Февраль ойининг охирида Парижда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Жаҳон банки фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси бўйича маслаҳат гуруҳининг биринчи мажлисида иштирок этди. Ҳукуматнинг ислоҳотлар дастури, шунингдек, Ўзбекистоннинг сармоявий ва техник ёрдамга эҳтиёжи ва бу ёрдамнинг устивор йўналишлари 18 ҳукумат ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан муҳокама қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сармоядорларнинг ислоҳотларга кўмаклашиш учун Ўзбекистонга киритиш мажбуриятини олган сармоя миқдори қарийб 1 миллиард долларни ташкил этади.

Бош шиори бутун инсоният манфаатлари йўлида хизмат қилиш бўлган Давосдаги ҳар йилги учрашувар жаҳондаги ижобий жараёнлар ва воқеаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўзбекистон бу анжуманларнинг доимий иштирокчисидир.

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда Савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда ҳақли равишда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакатдаги ваколатхоналига ҳам айланиб қолди.

Жамиятимизнинг очиқлиги, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашаётгани янги давлат қурилишининг стратегик йўналиши ҳисобланади, деди Президент. Олдинги учрашувимиздан кейин ўтган даврда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини кучайтириш бўйича дастурлар қабул қилинди. Бу жараён 2-3 йил ичида ниҳоясига етади. Шундан кейин хусусий сектор иқтисодиётимизда асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимиз барқарорлик устиворлиги хусусий мулкчилик негизида қурилган бозор муносабатларини чуқурлаштириш устиворлиги билан ўрин алмашган янгиланишларнинг навбатдаги босқичига қадам қўйди. Тегишли фармонлар, қарорлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш ҳақида» ва «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Бу ва қабул қилинган бошқа ҳужжатлар савдо инфраструктураси тараққиёти ва хусусий тузилмаларга хорижий капиталнинг оқиб келишига кўмаклашади.

1994 йилнинг бошидан бўён республикада 50 мингдан ортиқ корхона мулкчилик шаклини ўзгартирди. Саноатда хусусийлаштиришни амалга ошириш дастуримиз кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳага катта ўрин берилган. Бу соҳада давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларнинг салмоғи тобора кўпайиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозир мамлакатда гўштнинг 70 фоизини, сутнинг 80 фоизини, картошканинг 60 фоизини давлатга қарашли бўлмаган хўжаликлар етиштирмоқда.

Дон мустақиллигига эришиш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ана шу янги имкониятларни ҳисобга олиб белгиланган. 1994 йилда 2 миллион 170 минг тонна ғалла, маккажўхори ва шоли етиштирилди. Четдан дон келтириш икки баравар камайди. Бу йил 3 миллион 300 минг тонна дон етиштириш режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — республика энергетика мустақиллигини таъминлашдир. Нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Илгари республикага 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, бу йил биз харид қиладиган нефть 750 минг тоннадан ошмайди.

Бошқа қайси мамлакат четдан ёрдам олмасдан туриб ўз валютасига ўтди? — деди Президент. Ўзбекистондан ташқари бирорта мамлакат ҳам халқаро молия ташкилотларининг ёрдамисиз ўз валютасини жорий эта олмади. Қисқа муддатда миллий валютамизни барқарорлаштиришга эришдик. Ўзларингиз мамлакатимизда яшаб, кўриб турибсизлар: пулнинг қадрсизланиши суръати икки баравар камайди. Бу жараённи мустаҳкамлаш учун, деди давлат бошлиғи, биз ҳозир банкларароо валюта биржаси оборотини 1,2-1,5 миллирад доллар атрофида таъминлаш чораларини кўряпмиз. Барча МДҲ мамлакатлари билан молиявий ҳисоб-китобларда ижобий қолдиққа эгамиз. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Ислом Каримов мамлакатдаги сиёсий вазиятга баҳо бериб, Олий Мажлисга сайлов республика ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг янги босқичи бошланган даврга тўғри келганини таъкидлади. Сайлов жамиятимиз сиёсий маданияти янги даражага кўтарилганини, сайловчиларнинг юксак фаоллиги ва фуқаролик бурчини англашдаги етуклигини намойиш этди.

Бу гап демократия қоидаларига мувофиқ равишда депутат мандати учун кураш ган сиёсий партияларнинг вакилларига ҳам, сайлов кампаниясининг барча босқичларида конституциявий тартибқоидага қатъий риоя этилишини таъминлаган сайлов ташкилотларига ҳам тааллуқлидир.

Менинг фикрим бу ерда ҳозир бўлганлар фикридан фарқ қилмайди, деб ўйлайман. Уларнинг кўпчилиги парламентимизга сайлов натижаларини жаҳон ҳамжамиятига етказган 85 қозиятвчи сафида бор эди.

Шу ўринда республикамизда ишлаётган айрим журналистларга бироз таъна қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Улар салбий ҳодисалар ҳақида иштиёқ билан хабар қилишади-ю, нима учундир, ижобий ўзгаришларни сира кўргилари келмайди. Ахир бизда бундай ўзгаришлар кам эмас. Яхши жараёнларни рағбатлантириш, ана шу яхшилик куртакларининг ўсиб-улғайишига ёрдам бериш керак-ку ахир!

Бўлиб ўтган умумхалқ референдуми тўғрисидаги фикрим ҳаммангизни қизиқтирса керак, деди сўнгра Президент. Унинг аҳамияти ва моҳияти нимада эди?

Энг аввало, референдум ўтказиш ташаббуси халқ томонидан сайланган ва ўз қарорида Конституцияга асосланган парламентдан чиқди. Шу сабабли, мазкур тадбирнинг қонунийлиги заррача ҳам шубҳа туғдирмайди.

Ўз миллий давлатчилигини қураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий тузилмаларни барпо этаётган Ўзбекистон учун Президент билан парламент ваколатлари муддатидаги номутаносибликни бартараф этиш, ижроия ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият ва бутун халқ ҳаракатлари бирлигини таъминлаш ғоят муҳимдир. Ўтказилган референдумнинг моҳиятига айни шу жиҳатдан қарамоқ керак.

Бир қанча шарҳчилар референдум якунларини менинг шахсий ютуғим деб баҳолашди.

Мазкур ҳолда гап Президент шахси тўғрисида эмас, балки, аввало, халқимизнинг республика сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз берётган катта ўзгаришларга муносабати, одамларнинг республика Президенти ва ҳукумати ўтказаётган сиёсатга муносабати ҳақида бўлиши керак.

Яширмаймиз: ҳозир биз бошимиздан қийинчиликлар кечираётганимиз тўғри. Лекин халқимизнинг ўзгаришлар зарурлигини ҳис этиши, бу ўзгаришларни янада давом эттиришга тайёрлиги ҳам ҳақиқат. Референдум буни ишонарли равишда тасдиқлаб, бизга халқ ишончи мандатини топширди ва танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимизни мустаҳкамлади, деди пировардида Ислом Каримов.

Президент журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда республика ташқи ишлар вазири А. Комилов, Президент матбуот котиби М. Муҳаммад Дуст иштирок этдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТГА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қудратилла Аҳмедовни қабул қилди.

Қ. Аҳмедов мамлакатимиз раҳбарига республика Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори асосида 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми якунига биноан Президент Ислом Каримовнинг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, осойишталиги, аҳиллиги ва меҳр-муҳаббатининг мужассамидир, — деди юртбошимиз. — Ана шу сиёсий тадбир амалга ошираётган ишларимизни, ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизни халқ қандай баҳолаётганини назардан ўтказиш имконини берди. Зотан, порлоқ истиқболига ишонган халқгина буюк келажак йўлида бир ёқадан бош чиқариб, улуғ мақсадларга бел боғлайди. Вақтинчалик мураккабликларга қарамай, кўтаринки кайфият, яратувчанлик руҳи билан яшаётган азим халқнинг етакчиси бўлишдек масъулият зиммамда экан, уларнинг ишончини оқлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика аҳолисига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ»

Миразимов Раҳмат — Чиноз тумани коммунал-фойдаланиш бошқармасининг ишчиси, Тошкент вилояти

Миров Ҳожиаҳмад — «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг диспетчерлик хизмати устаси, Самарқанд вилояти

Ҳамроев Сафар — «Қашқадарёгаз» вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Мансуров Ортиқ Маҳмудович — «Ўзкоммунмаштаъминот» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Ахрамешин Валерий Тихонович — «Ўзбектазқурилиш» бошқармасига қарашли 3-механизациялашган қўчма колонна электрпайвандчиси, Андижон вилояти

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Бердимуродов Сайлаубай Султонович — Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари

Жантаев Жора — шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трестининг махсус қурилиш бошқармаси машинисти, Тошкент шаҳри

Қорабоев Раҳмонберди — «Махсустранс» бирлашмасининг Яккасарой тумани автокорхонасининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Косенко Ольга Ивановна — Андижон вилоят ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи

Маматқўзиев Ҳолиқназар — Фарғона шаҳар махсус мосламали автойўлкорхонасининг ҳайдовчи-устаси, Фарғона вилояти

Мирсаидов Ғани — Жиззах шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармасининг ободонлаштириш бўлими ишчиси, Жиззах вилояти

Самадов Шамси Сайфуддинович — фуқаролик хизмати кўрсатиш бюроси «Сагона» мармар цехи устаси, Бухоро шаҳри

Сапаев Йўлдош — Хоразм вилояти ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси Урганч шаҳар махсус автобазасининг ишчиси

Солиҳўжаев Зокирхўжа Тўраҳўжаевич — «Сувсоз» трести бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

Этамбердиев Файзулло — Гулистон шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармаси ирригация бўлимининг бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 29 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

Шу йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан шу йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми натижалари кўриб чиқилди. Республика бўйича овоз бериш уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғрисида 14 округ комиссияси тақдим этган баённарни кўриб чиқиб, овоз бериш республика ҳудудида ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари қошида ташкил этилган 25 участкада референдум тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этади.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11319447 нафар фуқародан 11245028 нафариёки 99,3 фоизи референдумда қатнашди. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?» деган саволга 11199415 нафар фуқаро, ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди, шу жумладан:

Т. р.	Округлар номи	Овоз бериш учун рўйхатга киритилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	%	Ёқлаб овоз берган фуқаролар сони	%	Қарши овоз берган фуқаролар сони	%	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони
1.	Тошкент шаҳри	1209656	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
2.	Андижон	1018187	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
3.	Бухоро	653555	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
4.	Жиззах	398271	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
5.	Навоий	377226	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	—
6.	Наманган	865985	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
7.	Самарқанд	1180810	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
8.	Сирдарё	302049	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
9.	Сурхондарё	718133	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
10	Тошкент вилояти	1151008	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
11	Фарғона	1277540	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
12	Хоразм	605737	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
13	Қашқадарё	888081	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
14	Қорақалпоғистон	673209	672693	99,9	667950	99,3	4366	0,6	377
	ЖАМИ:	11319447	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса ҳокимиятнинг ҳамма тармоқлари бундан буён ҳам самарали ҳамкорлик қилиши, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгиланган ислоҳотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўёбга чиқариш учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ваколатлари муддати умумхалқ овоз бериши натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган деб ҳисобланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Республика ҳукумати ва Марказий банк миллий валютанинг ички эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар натижасида валюта бозорининг ресурс базаси кенгайиб, унинг қатнашчилари сони ортмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидаги экспорт тушуми миқдори кўпайиб, бу билан ички валюта бозорини кенгайтириш учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги 457-сон қарорига мувофиқ ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб бир жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки унга тенглаштирилган резидентга ваколатли банкларнинг махсус валюта алмашув пунктлари орқали сотиладиган эркин айирбошланадиган валюта ҳажмини 500 АҚШ доллари миқдорида белгилайди.

Муносабат

МАЪНАВИЯТ МЕЗОНЛАРИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Тарихнинг бурилиш даврларида маънавий камолот даражасининг жамият тараққиёти учун бўлган таъсири яна ҳам кучлироқ бўлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз, халқимиз тарихидаги масъулиятли бурилиш давридир.

Ҳозир мамлакатимизда тарихий тараққиётнинг объектив қонунини ҳисобга олиб улкан ислоҳотларни ўтказиш жараёнида маънавиятни юксалтиришга, маърифий тадбирларни кенг йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда. Бу борадаги тадбирлар Ўзбекистонни келажакда жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидандир.

Жамият камолотини таъминлаш учун биринчи навбатда, маънавият ва маърифатнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятига оид бўлган илмий, назарий муаммоларини яхши англаб олмоқ керак. Афсуски маънавиятнинг моҳияти, тарихнинг бурилиш даврларидаги ҳал қилувчи аҳамиятига оид бўлган назарий масалалар илмий адабиётларда ҳозирга қадар чуқур, мукаммал ёритиб берилган эмас эди. Маънавиятни умумун маданият, мафкура билан аралаштириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради.

Маънавиятнинг моҳияти, маърифий-тарбиявий тадбирларнинг жамият тараққиёти учун аҳамиятли бўлган масалалар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарларида, мақолаларида, Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида мукаммал, ҳозирги куннинг долзарб масалалари билан боғлиқ равишда ёритиб берилган.

Уларда маънавият ва маърифатнинг туб назарий ва амалий муаммолари билан боғлиқ қуплаб муҳим масалалар ўртага қўйилган, фан ва амалий фаолият учун катта аҳамиятга эга бўлган илмий-назарий хулосалар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

МАЪНАВИЯТНИНГ генезиси, ижтимоий, ирсий илдизлари масаласи. Дарҳақиқат, маънавият «тақдирнинг эҳсони», инсоннинг туғма хусусияти эмас. Маънавият фақат инсонга хос хусусият бўлиб, унинг жамиятдаги ҳаёти жараёнида шаклланади. Маънавият билан туташ бўлгандагина одам фарзанди Инсон деган буюк ва шарафли номга муяссар бўлади. Президент айтганидек, маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.

Инсонда маънавиятни эгаллашга, ривожлантиришга имкон берадиган, ирсият қонунлари билан белгиланган туғма истеъдод ва имкониятлар ҳам бор, албатта. Лекин бу туғма ирсий имкониятлар тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик билан алоқалар асосида сайқал топиб, эътиқодга, руҳий моҳиятга айланади ва инсон онгида, қалбида чуқур ўрнашади. Шу сабабли ҳам юртбошимиз маънавиятнинг ижтимоий моҳияти устида алоҳида тўхтаб, у «инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади», деган чуқур фалсафий фикрларни олдинга суради.

Демак, маънавият инсонга хос бўлган ирсий имкониятлар, истеъдод ва қобилият куртакларини ҳаёт тажрибаси, авлодлар мероси ва намунаси, билим, аҳлоқ ва одоби, билими асосида шаклланиб шахснинг ҳаёти, фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи руҳий заминдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий баркамол инсонларсиз маърифатли жамият ҳам бўлмайди.

Ҳар қандай юксак даражадаги ҳайвоннинг боласи тарбияланганида ҳам маънавиятни эгаллаш, ривожлантириш ва унга амал қилиш борасида инсон даражасига етолмайди. Маънавият инсонга Оллоҳ насиб этган энг юксак неъматдир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ маънавият инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат, шахс тараққиёти ва камолотининг асосий омили эканини ҳам чуқур асослаб берди. Унинг «Маънавият инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир», деган фикрлари ижтимоий тараққиётнинг туб омилларини назарий, фалсафий таҳлил этишнинг ифодасидир.

Маънавият инсонга моҳиятгина эмас, балки муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч ва қудрат ҳам бахш этади. Инсон ақли, қўли билан нимаики қилмасин, унинг заминида фикр, тушунча, билим, истеъдод, қобилият сифатида шаклланган маънавият ётади. Энг баркамол нақкошнинг гул чизаётган қўл ҳаракатини бош мия назорат қилади. Бу ўринда маънавият тажриба, амалий малака, ижодий тафаккур салоҳияти шаклида ҳам намоён бўлади.

Шахс маънавияти миллат, давлат, жамият маънавиятининг куртаги, бир бўлагидир. Шахс маънавий камолоти одамлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар, жамият ҳаётидаги шароит ва имкониятлар асосида шаклланади.

Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга таъсири катта, албатта. Лекин маънавият борлиқнинг инсон онгидаги соясигина эмас. Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар, режалар аввал инсоннинг ижодий тафаккурида шаклланади, кейин эътиқодга айланиб фаолиятига йўналиш беради. Маънавиятнинг муайян мақсадлар билан боғланган инсон фаолиятига таъсир этиши эса маърифий-тарбиявий, мафкуравий тадбирлар асосида амалга ошади. Шундагина маънавият жамият тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсата оладиган катта ижтимоий кучга айланади.

ЭНГ МУҲИМИ юртбошимиз одамлар ўртасидаги барча адолатли муносабатлар ҳам маънавиятга асосланишини кўрсатиб берди.

Маънавият одамлар ўртасидаги ахлоқ-одоб нормалари, ҳуқуқий мезонлар, мафкуравий эътиқодларга асосланган адолатли, инсонпарварлик, ҳалоллик, байналмилалчилик билан суғорилган муносабатларнинг ҳам қуринишидир. Жамиятда инсон инсонсиз яшай олмайди. Ҳар бир шахснинг одамлар билан ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка, аҳиллиққа, мулоқотга интилиши ҳам маънавиятдир. Жамиятнинг ўзи ҳам кишилар ўртасидаги маънавиятга асосланган муносабатларнинг ифодаси.

Маънавиятнинг бу жиҳатлари И. Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўзининг яққол ифодасини топган: «Маънавият турли халқлар, мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради... бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган».

Маънавият кишиларда ўзаро мулоқотга эҳтиёжини туғдиради. Ҳар бир шахс ўз ҳаёти ва тақдирини бошқаларсиз тасаввур этолмаслиги ҳам маънавиятдир.

Мазкур асарларда олдинга сурилган фалсафий-назарий ғоялардан бири — маънавиятнинг чексизлиги масаласидир. Унинг кўрсатишича, маънавиятнинг моҳияти, қирралари, ривожланиш имкониятлари шунчалик каттаки, «уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир олам... инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асосларининг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди».

Маънавият ўзининг тарихий илдизлари, инсонга хос бўлган барча олижаноб фазилатларни қамраб ола олиши жиҳатидан бепоёндир.

Маънавиятнинг барча даврларда шароитларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қоладиган жиҳатлари кўп, албатта. Умуминсоний қадриятлар ҳам маънавиятнинг мезонлари чексиз эканини кўрсатувчи яна бир далилдир. Лекин маънавият ва маънавий камолот жараёни чексиз эканини кўрсатувчи асосий соҳа — унинг бепоён ривожланиш имкониятларидир.

Ҳар бир тарихий давр, муайян шароит, эҳтиёж ва имкониятлар билан тақозо қилинган ҳолда маънавиятнинг янги шаклларини ва мезонларини яратади. Бу мезонлар қандайдир бир сунъий ҳодиса бўлмай, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган эҳтиёжининг ифодасидир. Жамият тараққиёти олдинга қараб борувчи чексиз жараён бўлганлиги сабабли унинг асосий таркибий қисми бўлган маънавий камолот ҳам узлуксиз давом этаверади.

АЛОҲИДА таъкидлаб ўтилганидек, маънавият камолот маънавий эҳтиёж даражаси билан ҳам боғлиқ. Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавият даражаси билан белгиланади. Маънавий камолотга интилиш — инсоннинг моҳияти билан боғланган фазилатидир.

Билим, амалиёт тараққиётининг ҳар бир босқичи ривожланишининг охирги нуқтаси бўлолмайди. Маънавий камолотнинг ҳар бир босқичи муайян даврларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланган. Маънавият борасида бир эҳтиёж рўёбга чиқиши янги, янада кенгроқ эҳтиёжлар шаклланиши учун замин бўла олади, холос.

Бинобарин, маънавиятнинг янги чўққиларига етишиш эҳтиёжи шахс ва жамият камолотининг ҳал қилувчи омили сифатида инсон фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шу эҳтиёж сабабли маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Дарҳақиқат, «Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам нечанеча азоблар, қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди».

Маънавий эҳтиёж инсоннинг ички соф руҳий интилишигина эмас. Унинг ҳар бир шакли объектив воқелик, унинг қонунлари ва заруриятлари асосида юзага келади. Лекин бу объектив таъсир инсонни қўл ва оёғидан боғлаб олиб, ўзи хоҳлаган томонга етаклаб кетавермайди. Инсон ҳар қандай ташқи таъсир ва заруриятни ўз ички эътиқоди, иймон ва виждон тарозисига солиб, фаолияти билан боғлайди.

Маънавий эҳтиёжлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос миллий, минтақавий, диний умуминсоний жиҳатлари ҳам бор. Бинобарин, маънавий эҳтиёжнинг мазмуни, аҳамияти ва даражасини белгилаб берувчи мезонлар ҳамма ерда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон фуқароларида шаклланаётган янги маънавий эҳтиёжлар мустақил давлатимизга, халқимизга муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртимизнинг истиқболига ишончдир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият ҳақида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак», деган фикрларида ҳам маънавият тараққиётнинг туб масалаларига нисбатан янгича ёндошишнинг намунасини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, маънавиятга интилиш инсон учун моддий неъматларни узлаштириш, ейиш, ичиш, кийинишга нисбатан ҳам муҳимроқдир.

Жадидчилик таълимотининг асосчилари олдинга сурган ғоялар, ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси И. Каримовнинг юқоридаги фикрларида катта ҳаёт ҳақиқати борлигини кўрсатмоқда. Маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти ҳам юксак бўлмайди. Фақат қорни тўйишини, яхши кийинишни, бойлик орттиришини ўйлаган одам юксак маънавият саҳиби бўлиши қийин. Маънавий қашшоқ бўлган одам тўқ, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Етук маънавият, ижодий ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни кўришга, оғир шароитда ҳам юксак мақсадни олдига қўйиб унга иймон ва эътиқод билан интилишга қодир бўладилар. Етук маънавиятга таянибгина жамият тараққиёти учун зарур бўлган имкониятларни англаш, уларни амалга ошириш йўлида меҳнат қилиш мумкин.

Японлар иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир шароитда, «олдин халқнинг миясини тўйдириш керак, шундан кейин унинг қорни ҳам тўяди», деган умуммиллий шиорга асосланиб иш кўрдилар. Улар мамлакат тарихидаги оғир, мураккаб шароитда халқнинг билими, аҳлоқи, миллий бурч ва масъулияти, ватанпарварлик туйғусини кучайтирдилар. Ватан ва миллат олдидаги ўз бурчи ва қарзини англаган халқ тез вақт ичида мамлакатни дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айлантирди.

Узбекистонда ҳозирги ўтиш даврида вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар, моддий етишмовчиликлар бор. Истиқболни кўпроқ ўйлаган маънавий баркамол кишиларнинг бутун фикру-зикри шу қийинчиликлар билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Бу қийинчиликларни ҳам етук маънавият сари интилишни асосий мақсад қилиб қўйган матонатли, ватанпарвар кишиларгина енгиб ўта оладилар.

Ҳозир Ўзбекистонда фуқароларнинг миллий онгини ошириш, масъулият ва бурч туйғусини кучайтириш, ватанпарварлик эътиқодини мустаҳкамлашга катта эътибор берилаётгани ҳам истиқболимиз режалари чуқур илмий асосга таянганининг исботи. Юртбошимизнинг, «Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир», деган фикри маънавий камолот ва маърифий тадбирларни мунтазам, изчиллик билан ўтказиш мустақил тараққиётимизнинг асосий омилларидан бири эканини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

ЮРТБОШИМИЗнинг асарларида инсон маънавиятининг моҳияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий фазилатларнинг яхлит тизими экани ҳам чуқур кўрсатиб берилган. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий-сиёсий, мафкуравий эътиқодлар билан боғланган маънавият.

Булар жумласига мустақилликнинг моҳиятини, Ватан истиқболини чуқурроқ англаш билан боғлиқ бўлган миллий онг, мамлакат, миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, уни ривожлантириш ва ҳаётнинг барча соҳаларида кенгроқ қўлланиш имкониятларини излаш киради. Айни пайтда Ватанни севиш ва ундан узоқлашишни оғир жудолик деб билиш, табиатни муҳофаза қилиш, демографик жараёнларга оқилона ёндашиш, ҳар қандай шароитда ҳам она юрт манфаатини ҳимоя қилиш, шарқона ахлоқий-ҳуқуқий заминга асосланган демократия, виждон эркинлиги мезонига риоя қилиш, ижтимоий адолатнинг миллий, умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган қоидаларига таяниш, ҳар қандай шароитда ҳам умуммиллий манфаатлар устиворлигини сезиш ва уларни адолатли ҳимоя этиш ҳам шулар жумласига киради.

Ахлоқ, одоб борасидаги миллий, умуминсоний, диний қадриятларга риоя этиш, иймонли, инсофли, виждонли, ҳалол бўлиш, ўз манфаати учун меҳнат қилганда давлат, миллат, бошқа шахслар манфаатини ҳам унутмаслик, инсонни улуғлаш ва унинг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш,халқ билан ҳамнафас бўлиш, хайр-саховат, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат сингари миллий ахлоқий қадриятларга,амал қилиш, жамиятда осойишталик ва тинчлик, аҳиллик, тотувлик қарор топишига ҳисса қўшиш сингари умуминсоний қадриятларга асосланиб амалга ошириши;

Ўзбекистон ҳудуди ҳамма вақт ҳам кўпмиллатли бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Республикамизда яшаётган барча халқларнинг манфаатини тенг ҳимоя қилиш, миллий муносабатларнинг барча муаммоларини қонунлар, ижтимоий адолат мезони асосида ҳал этиш, ҳам Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан. Миллий муносабатлар маданияти ҳам маънавиятдир. Бу ҳақда И. Каримов шундай деб ёзган эди: «Юртимизда яшаётган бошқа барча халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган».

Миллий муносабатлар масаласига одилона, юксак маънавият заминида ёндашиш турли халқлар ўртасида аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик муносабатлари барқарор бўлишига олиб келмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг тили, маданияти, урф-одатлари, қадриятларини сақлаш ва ривожланишига миллий манфаатлари қондирилишига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Конституциясида барча халқларнинг тинчлиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш бош вазифа экани кўрсатиб ўтилган. Конституциямизда қўлланилган «Ўзбекистон халқи» деган тушунчада ҳам мустақил давлатимиз шу заминда яшаётган барча халқларнинг она юрти экани қайд этилган.

УРТАГА қўйилган яна бир муҳим назарий муаммо—маънавият камолот билан миллий онг юксалишнинг муштараклиги масаласидир. Миллий онгнинг юксалиши миллий маънавиятнинг тараққиёти даражаси ва имкониятлари билан белгиланади. Бошқача қилиб айтсак, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг маҳсули сифатида юзага келади. Миллий онг — маънавиятнинг таркибий қисмидир. Миллий ўз-ўзини англаш ҳам, ўз навбатида, маънавий камолотга янги имкониятлар, йўналишлар очиб беради.

Миллат ўз тарихини, қадри-қимматини билиши, келажакка комил ишонч билан бориши маънавият ва миллий онг бир-бири билан боғлиқ равишда ривожланиб бораётганининг ифодасидир.

МАЪНАВИЙ камолот билан ўлкамизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ўртасида чуқур диалектик алоқадорлик борлиги юқоридаги асарларда очиб берилган. Ҳар қандай ислоҳотни давлат белгилайди. Лекин ислоҳотларда олдинга сурилган барча мақсадлар омманинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўлгандан кейингина амалга ошади. Ислоҳот белгиланса-ю, оммада уни тушуниш учун маънавий имконият бўлмаса, ҳар қандай яхши мақсадлар ҳам амалга ошмай ярим йўлда қолиб кетаверади. Фуқароларнинг онгли фаолият асосида амалга оширилган ислоҳотлар уларнинг маънавий камолати янада юксалиши учун янги имкониятлар яратиб беради.

Маънавиятнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги катта аҳамияти устида тўхтаб И. Каримов яна шундай хулоса қилади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир».

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг биринчи қадамлариданоқ маънавий камолот масалаларига катта аҳамият бериш, тарих саҳифалари ва кун тартибидаги вазифаларни чуқур таҳлил этишнинг натижасидир.

Бинобарин, маънавият халқнинг, шахснинг ахлоқи, одоби, бурч ва масъулият туйғуси, илми, билими, амалий меҳнат ва ижод малакалари, истеъдод ва қобилияти, диний ва дунёвий иймони, эътиқоди, виждони, дунёқараши, мафкуравий қарашлари тизимининг яхлит бирлигидир. Мунтазам давом этадиган маънавиятнинг куртаклари чақалоқни онага жилмайишидан, дастлабки қадамларидан, салом бериб алик олишга урганишидан, ота-онанинг сўзига, жамоатчилик фикрига қулоқ солишдан бошланади. Ҳаётнинг бу илк қадамларидан бошлаб инсон маънавий камолот чўққилари сари бораверади. Маъанавий камолот шахс учун ҳам, жамият учун ҳам узлуксиз жараёндир.

Эркин ЮСУПОВ,
академик, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.

ХДП ҳаётидан

ПАРТИЯ ИНТИЗОМИ — НИЗОМ ТАЛАБИ

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги ижроия бюросида шаҳар ва туман партия ташкилотларининг партия сафини тўлдириш борасида олиб бораётган ишлари чуқур таҳлил қилинди. Республика партия ташкилотларида ўтган йили 3247 киши партия аъзолигига қабул қилинди. Бу кўрсаткич 1993 йилдагига нисбатан анча кўп. Умумий партия аъзолари 29462 кишини ташкил этди. Нукус шаҳрида 555 киши, Тўрткўл туманида 377 киши, Беруний туманида 283 киши партия аъзолигига қабул қилинди.

Ишчи ва деҳқонлардан партия аъзолигига қабул қилиш аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди. Шунга қарамасдан партия сафларини тўлдириб боришда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бўзатов, Шуманай, Нукус, Қонликўл туман партия кенгашларида ХДП-га қабул қилиш ишлари талаб даражасида эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида кўплаб корхоналар, хўжаликлар хусусийлаштирилмоқда, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Фермер-деҳқон хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Ана шу жойларда ҳудудий, бошланғич цех ташкилотлари тузилмаётганлиги ижроия бюрода танқид қилинди.

Шунингдек, ижроия бюрода республика партия ташкилотини 1994 йилги бюджетининг бажарилиши ва 1995 йилги партия бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ҳозирги шароитда партия бадалларини йиғишга кам эътибор берилаётганлиги туфайли бошқа молиявий даромадларнинг камайиб кетаётгани, бу эътиборсизлик партия ташкилотлари ишларини яхшилашга ва аъзолар фаоллигини оширишга тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Ижроия бюрода партия бадалларини йиғиш ва бюджет маблағларини тўғри сарфлашда шаҳар ва туман партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ишларини тубдан яхшилаш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ижроия бюрода фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича бир қатор масалалар муҳокама қилинди ва тадбирлар белгиланди. Ижроия бюрода муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғиждувон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, у пахтачилик, чорвачилик ва пиллачиликка ихтисослаштирилди. Ушбу йилдан хўжаликда ғаллачиликка алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ғаллазорлар 130 гектардан 230 гектарга етказилди. Шу кунларда яшил майсалар барқ уриб ўсмоқда.

Айни кунларда хўжаликда чигит экиладиган техника воситалари тўла таъмирлаб қўйилди. Ғалла ўриш комбайнларини таъмирлаш ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

СУРАТДА: илғор механизатор Нормурод Норов иш устида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ИНВЕСТИЦИЯ

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Марказий Осиёдаги фаолиятини Ўзбекистонда дастлабки лойиҳани амалга оширишдан бошлади. Резина буюмларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон — Америка янги қўшма корхонаси яқин вақтларда юксак андозаларга жавоб берувчи асбоб-ускуналарда маҳсулотлар бера бошлайди. Бу Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида зарур бўлган маҳсулотларни нисбатан арзон нархларда сотиш учун имконият яратади.

Хусусий компаниядан Жамғармага тақдим этилган жиддий бизнес-режа натижаси туфайли шунга эришилди.

Қозоғистонда ҳам бир лойиҳа инвестиция олиш ҳуқуқини олди.

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ишончли асосда хусусий бизнесга инвестицияларни амалга оширишдан манфаатдор.

БИЗНЕС ПРЕСС

Диққат: танлов

КИМНИНГ ҚАЛАМИ ЎТКИР?

Ўзбекистон Республикаси Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш, Фармонни ҳар томонлама кенгроқ тушунтириб бериш, Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, унга сергайрат, ташаббускор истеъдодли кишиларни жалб қилиш, бизнес билан шуғулланишнинг мавқеини кўтариш мақсадлари йўлида «Бизнес-пресс» синовини эълон қилди. У 1995 йилнинг 30 мартидан 25 июнига қадар ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун туман, шаҳар, вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета, журнал, телевидение ва радиода хизмат қилувчи малакали журналистлар таклиф қилинадилар.

Журналистлар «Бизнеснинг олтин қалами» танловида қатнашадилар. Унга Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракатининг тараққий этиши, Ўзбекистон Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш мавзуидаги 1995 йил 30 мартдан 1 июнига қадар чоп этилган (эфирда кетган) очерклар, репортажлар, интервьюлар тавсия этилади.

Газета, журнал, телевидение ва радио муҳарририятлари «Тадбиркорлик — долзарб мавзу» танловида қатнашадилар. Улар шу давр ичида чоп этилган (эфирда кетган) «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш йўлини ёритувчи туркум материалларни тақдим этадилар.

«Бизнеснинг олтин қалами» танловида қатнашиш учун мақола муаллифи ёки оммавий ахборот воситаси муҳарририяти мақола (матбуотнинг ҳамма жанрлари) чоп этилган газета, журналдан бир нусха ёки радио ва телематериалнинг машинкада кўчирилган матнини танловнинг ташкилий қўмитасига шу йил 1 июнга қадар жўнатиши зарур.

«Тадбиркорлик - долзарб мавзу» танловида қатнашиш учун оммавий ахборот воситаси муҳарририяти ҳам танлов ташкилий қўмитасига чоп этилган (эфирда кетган) материалларни ана шу муддат ичида тавсия этади.

«Бизнеснинг олтин қалами» танлови ғолиблари, 1-3 ўринларни эгаллаган кишилар соҳиб-лауреат деган шарафли номга сазовор бўладилар («Бизнес-95»нинг олтин, кумуш ва биринж қалами») ҳамда 7000,5000 ва 3000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Тадбиркорлик - долзарб мавзу» танлови ғолибларига 1-3 ўринларни эгаллаганларга 30.000, 20.000 ва 10.000 сўм миқдорида пул мукофоти тақдим этилади.

Танлов ғолибларини республиканинг атоқли журналистлари ва «Бизнес-фонд» вакилларидан иборат эксперт комиссияси аниқлайди.

«Бизнес-пресс» танловида қатнашиш ҳақидаги барча саволларга 45-29-51 рақамли телефондан маълумот олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй.

Қишлоқ лавҳалари

ГЎЗАЛЛИК МЕҲНАТДАН БОШЛАНАДИ

Инсон насл-насаби билан бир-бирига муштарак бўлган «ўзлиги»га вафо қилмаслиги, садоқат кўрсатмаслиги асло мумкин эмас. Инсоннинг биринчи галда меҳнат фаолияти баҳоланади, уни улуғворлиги шоҳсупасига кўтарадиган ҳам аввало шу меҳнати.

Нуробод туманига қарашли чексиз-чегарасиз дашту чўллар бағрида сайру саёҳатлар қилиб туриб хаёлимдан ана шу ўйлар кечди.

Тутлиқишлоқ томонларни кезиб юриб, бир анжуман устидан чиқиб қолдик. Тутлиқишлоқ марказидаги мактаб биносида қаҳрамонимиз билан учрашув бўлаётган экан.

Деворсиз кенг ҳовлида, пастаккина уй олдида бизни ўрта бўйли, юз-кўзларидан раҳмдиллик нурлари ёғилиб турган, буғдойранг, кулранг костюм-шимдаги, қоракўл телпакли, ёши эллликларни қоралаб қўйган мулойимгина киши қаршилади.

Хонадон бегининг исм-шарифлари Мардон Суяров экан. Унинг тўрт ўғли оталаридай мулойимлик билан хизмат бурчларини адо этишарди. Бир пиёла чойдан кейин меҳмонларнинг илтимоси билан Мардон ака «Жигули» машинасига ўтириб, ўз қарамоғидаги отарларни кўрсатиш учун йўлга чиқди.

— Раҳматли падари бузрукворим ҳам умрини мана шу чўл бағрида ўтказди, — дея кутилмаганда Мардон ака диққатни тортди. — Менинг умрим ҳам худди шу ерларда кечаётир. Эсла-санг, қалбинг ғурурга тўлади. Ўзбекистонда бу ердагидай тоза ҳаво топилмаса керак. Ёб, ухлаб туймайсан. Меҳнат қилиб чарчамайсан. Отамнинг ортидан таёқ кўтариб қўйларни боқишга чиққанимда ўн ёшга ҳам тўлмагандим. Болалик сурури, ҳаваси ўшанда мени беихтиёр чўпонликка ундаганди. Асли биз Қашқадарёнинг Майдиёбу қишлоғиданмиз. Оталаримиз қачонлардир бу ерларга кўчиб келишган. Қишлоқда бегона одам йўқ.

Ниҳоят, саксовулзорга яқинлашдик. Маълум бўлишича, қишлоқ аҳли ўтин учун қуриган саксовуллардан фойдаланар экан. 15 гектар ерни қоплаган саксовулларни қачонлардир Галина Сергеева деган аёл бунёд этган экан. Саксовулзор ҳам тугади.

— Чўпонлар ҳаётидаги асл ҳақиқат шуки, — деди Мардон ака, — уларда овқатланиш учун, ухлаш учун тайин бир вақт йўқ. Қўйлар дам олса, у ҳам дам олади, ўтласа ортидан юраверади. Чўпоннинг содиқ эшаги, содиқ таёғигина бор.

Мардон аканинг қирқ йилдан ортиқроқ меҳнат фаолияти ана шундай кечди. Ҳар йили 9 минг она қўйдан олинган 9 минг қўзи, 3 мингга яқин қоракўл тери ва топширилган гўшт... Бола-чақа боқиш ташвишлари, чўпонликка ҳавасмандлик...

Мен учун яна бир завқли ҳол бу — Мардон аканинг ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан тортиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларигача, Р. Тагорнинг «Ҳалокат» романи билан Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари, Усмон Носир шеърлари, Машраб ғазаллари ҳақида ёниб-ўртаниб сўзлаганлари бўлди. Ва бу у ҳақдаги тасаввурларимни мутлақо ўзгартириб юборди! Бир ёзувчи, бир танқидчи адабиёт, санъат ҳақида шунчалик фикр юритар-да... Ҳа, бу элнинг учдан бири шоир, учдан бири танқидчи, олим. Деҳқон, чўпонлари ижодкорларни ҳам шошириб қўяди...

— 1959 йилдан то 1964 йилгача мустақил чўпонлик қилдим, — дея суҳбатни давом эттирди Мардон ака, — кейин икки йил ҳарбий хизматни ўтадим. Чўпонлик қилган кезларим 700 бош қўйни бошқарардим. 1987 йилгача бош чўпонлик вазифасини ўтадим. Ўзингизга маълум, бош чўпонлик масъулияти ҳам беҳад оғир. Илгари ўз отаримга жавобгар бўлсам, бош чўпон бўлганимдан кейин ўнлаб чўпон ва отарларни бошқаришга тўғри келди. 1987 йилдан бошлаб Раҳмон Жаҳонгиров номли ижара хўжалигининг 5-бўлимига бошлиқ этиб тайинландим. Қарамоғимизда 40 минг гектар ер бор. Бу йил биринчи марта 200 гектар ерга дон экишни режалаштирганмиз. 13 минг қўй-қўзимиз бўлиб, шундан 900 таси она қўй. Янги туғилган қўзиларнинг 70 фоизини ўстиришга қолдирамиз. 30 фоизи тери учун сўйилади. Эсимни таниганимдан буён давлат режасини бажармаганимни билмайман. Ҳар йили 3 мингта қоракўл тери ва 900 та қўзи ўстиришни тасаввур қилиб кўринг. Қўлимга таёқ олган кезларимдан то шу кунгача ўйлаб қарасам кўпайтирилган қўйлар сони 250 мингдан ошиб кетар экан. Қанча қоракўл тери сотилган, қанча гўшт топширилган,...

«Инсонни инсон қилган, унга улуғворлик бағишлаган ҳам шу меҳнат», — дея ўзимча шивирлайман.

— Меҳнат чиндан ҳам Аллоҳ томонидан инсон юрагига ато этилган улуғ неъмат, — ўйчанлик билан деди Мардон ака, — мени ҳеч ким, ҳеч қачон меҳнатга мажбур этмаган. У мен учун, доим қалб эҳтиёжига айланган.

Меҳнат мажбуриятга эмас, шарафга айланди. Ҳокимимиз Тошбўри Қиличев ажойиб инсон. Чўпонлардан ёрдамини аямайди.

Мустақил юртимиз олдидаги фарзандлик бурчимни сидқидилдан адо этишга бор куч-қувватимни сарфлайман. Бу дунёда юртинг ва элингга хизмат қилишдан ҳам кўра муқаддас иш борми?!

Ниҳоят 45 чақирим йўл босиб манзилимизга қайтдик.

Ортимизга қайтаётиб йўл-йўлакай Мардон ака ҳақида ўйлаб кетдим. Камтарин, олижаноб, ўзгаларни деб роҳатидан кечадиган бундай инсонлар бугунги мустақил Ўзбекистонимиз учун қанчалар зарур. Улуғ тараққиёт йўлига кирган келажаги буюк Ўзбекистонда Мардон акадай олижаноб ва меҳнаткаш фарзандлари сафи янада кўпайса, дейман.

Ў. ҲАКИМАЛИЕВ,
Самарқанд вилояти.

ЎЛИМЛАРГА ТИК БОҚИБ...

УЧҚЎРҒОНЛИК КОМЕНДАНТ

Биринчи лавҳа

Қишлоқ ёнянти... Фашистлар Бранденбург-Берлин томон чекинаётиб, немис қишлоғига ўт қўйиб қочишган. Бутун бир қишлоқ, уйлар, саройлар ўт ичида. Чақалоқлар чинқириб йиғлашади. Кучанинг ҳар икки томонидан қий-чув, «Гитлер капут» деган овозлар эшитилади.

Олтмиш тўққизинчи армиянинг 153-полки Бранденбург-Берлин томонга ошиқарди. Лекин гитлерчилар ёндириб кетган немис қишлоғини четлаб ўтиш мумкин эмасди. Одамларни қутқариш учун бир бўлинмани шу ерда қолдиришга қарор қилинди. Бу зобит Неъматжон Ҳожибобоев бўлинмасининг чекига тушди. Улар ихтиёрига ўт учириш машиналари билан бирга битта тўп ҳам берилди.

Қишлоқ этагидан кичик дарё ўтган. Жангчилар махсус кийимларда ўт учиришга киришдилар. Буни кўрган маҳаллий аҳоли ҳам уларга қўмаклашди. Бўлинма тушга яқин ўтни ўчириб бўлди, лекин бунга осонликча эришилмади. Икки жангчи олов билан олишув пайтида ҳалок бўлди. Бўлинма топшириқни белгиланган муддатда уддалади. Қишлоқ аҳолисидан бир неча киши қуйиб кетган эди. Қариялар, гўдаклар қочолмаганди.

Олов ўчирилгандан кейин ҳам тутун бурқсиб, қишлоқ узра сузиб юрар, қандайдир бир мотам бўлаётганлигидан далолат берарди. Лекин ўз инига ўзи ўт қўйиб қочган фрицлар бепарво қўринарди. Буни Ҳожибобоев командирлик қилган бўлинма жангчилари ўша заҳотиёқ сезишди. Чунки солдатлар полкка етиб олиш учун йўлга тушганларида дарё соҳилидан уқлар визиллаб учиб кела бошлади. Булар яшириниб ётган гитлерчилар эди.

Бўлинма шу ернинг ўзидаёқ мудофаага ўтди. Душман улар устига бостириб киришга ҳайиқди шекилли, қирғоқда туриб отишмани кучайтирди. Кичик бўлинманинг ҳужумга ўтишга имконияти йўқ эди. Қандай қилиб бўлса-да, бу ердан бирор қарич орқага чекинмаслик керак. Бўлинма командири Неъматжон Ҳожибобоев қуролдошларига ана шундай қўрсатма берди. Кечгача милтиқлар қарсиллаб турди, автоматлар аҳёнаҳёнда бир «сайраб» қўярди.

Қош қорайгач, бизникилар икки кишини разведкага юборишди. Маълум бўлишича, дарё қирғоғида душманнинг бетондан қурилган ДЗОТи бор экан. Унинг тўрт томонидан тўртта амбразура очилган. Уларга пулеметлар ўрнатилган. Бўлинмадаги йигирма нафар жангчи билан бу ерни қўлга киритиш жуда мушкул.

— Тонготаргача кутамиз! — деди Неъматжон Ҳожибобоев. — Элчи юбориб, таслим бўлишга таклиф этамиз. Бошқа иложи йўқ. Бутун бир Германияси тиз чўкиб тавбасига таянаётган дақиқаларда шу кичик гуруҳи бўйин эгмай иложи қанча?

Тонг отиб, қуёш энди кўтарилиб турганда қаёқдандир генерал Колпакчи келиб қолди.

— Ўз қишлоғининг кулини ўзлари кўкка совурмоқчи бўлишибди-да, — деди генерал жангчилар билан саломлашар экан.

— Қандай таклифингиз бор? — деб сўради Ҳожибобоевдан генерал.

— Тўрт кишидан иборат элчини юборсак, таслим бўлсабўлди, йўқса узларидан қуришсин. Бу таклиф генералга маъқул тушди. Қишлоқ қарияларидан икки немис деҳқонини чақиришди. Бўлинмада яҳудий миллатига мансуб бир жангчи бор эди. У немис тилини яхши биларди. Уни ҳам элчилар сафига қўшиб, Неъматжон Ҳожибобоев бошчилигида душман ишғол этиб турган ДЗОТга юборишди.

— Биз элчи, вакил бўлиб келдик, — деди зобит Ҳожибобоев немис солдатларининг катта командирига. — Таслим бўлишга таклиф этамиз.

— Йўқ, таслим бўлмаймиз! — деди катта зобит кўзларини ўйнатиб, — Сизларни эса, отиб ташлаймиз.

— Элчига ўлим йўқ! — деди иккала немис деҳқони бараварига. — Буларни отиб ташласаларинг қишлоғимиздагиларнинг ҳоли не кечади?

— Биз ўлимдан қўрқмаймиз. Аксинча ўлимга тик борамиз. Ҳаммамизни отиб ташлай олмайсанлар!

Ўзбек йигити Неъматжон Ҳожибобоевнинг қатъий сўзлари душман зобитларининг қуксига найза каби қадалгандек бўлди. Улар нима дейишини билмай бир-бирларига узоқ тикилиб қолишди. Шунда Ҳожибобоев тағин таклиф қилди.

— Қумондонлик ярим соат вақт беради. Тезроқ маслаҳатлашиб олинглар! Бўлмаса...

Фашистлар яна бир-бирларига маънодор қараб олишди. Ҳалиги катта зобит қўлидаги соатига бир қаради-да, қатъий оҳангда бундай деди:

— Қумондонингизга бориб айтинг, таслим бўлмаймиз! — Шундай деди-ю, эшикни очиб, Ҳожибобоевни, қуролдош дўсти – яҳудий жангчини ва икки немис деҳқонини қўйиб юборди.

Балки фашист зобитлари, «буларни ўлдирсак, қишлоқда турган совет жангчилари аҳолини қириб ташлар», — деб ўйлашгандир.

Ҳожибобоев булган гапларни батафсил айтиб бергач, генерал Колпакчи тўп командирига буйруқ берди:

— ДЗОТга қарата ўт оч!

— Биринчи снаряд шундоққина ДЗОТнинг ёнгинасида портлади. Иккинчи снарядни отиб улгурмасдан гитлерчилар ички оқ қўйлакларини йиртиб, милтиқларининг найзаларига илиб, ялов қилиб ДЗОТдан бирин-кетин чиқа бошладилар.

— Асирларни қабул қилиб ол! — деди генерал ҳаяжонланиб.

... Бу Висла ҳамда Одер дарёларини қон билан кечиб ўтган, Эльба соҳилларига гвардиячи қисмлар таркибида биринчилар қатори етиб борган, учинчи даражали «Шуҳрат» ордени ёнига бир йўла иккита Қизил Юлдуз ордени қўшилган, юқорида тилга олинган немис қишлоғини фашистлардан халос этганлиги учун яна Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган. Брандербург оша Берлинга етиб, уни ишғол этишда мардлик намуналарини қўрсатганлиги, қўмондонликнинг махсус топшириғини аъло даражада бажарганлиги учун Александр Невский ордени билан мукофотланган учқўрғонлик капитан Неъматжон Ҳожибобоевнинг уруш фронтларидаги жанглар фаолиятидан бир лавҳа, холос.

Дарвоқе, бир нарса ёддан кўтарилибди. Уруш тамом бўлиши биланоқ капитан Неъматжон Ҳожибобоевни Германиянинг Виссин шаҳрига ҳарбий комендант қилиб тайинлашганди. У шаҳарда тартиб ўрнатиб, аҳоли ўртасида катта тушунтириш ишларини ҳам олиб борганди.

ҚИЗ БОШИ БИЛАН...

Иккинчи лавҳа

Муқаддам Конибодом туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири бўлиб ишлай бошлагандан кейин ҳам фақат бир нарса устида ўйларди: «Нега энди қизларни ҳам фронтга олишмайди? Нега?..» Шу фикр, шу ўй унинг оромини олиб қўйганди.

«Ортиқ чидаб туролмайман. Барибир кетаман...» Қирқ учинчи йилнинг февраль ойи эди. У тўғри туман ҳарбий комиссарлигига йўл олди.

— Менинг ҳаётдаги ўрним — фронтда, — деди Муқаддам сўзида қаттиқ туриб. — Барча кўнгиллилар қатори мени ҳам фронтга юборишингизни илтимос қиламан.

Муқаддам Ашрапова Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларидаёқ дугоналаридан ажралиб турарди. У ҳамиша жўшиб юришни, ҳаётни севишни, жасур ва довюрак бўлишни орзу қилар, қўрқоқлик ва мунофиқликдан нафратланарди.

Жанг майдонига кирганида йигирма уч ёшда эди. Воронеж фронти (кейинчалик 1-Украина фронти) 155-дивизиянинг 786-полки жангчилари ўзбек қизини ҳурмат билан Машахон деб атардилар.

Орденаторнинг қули-қулига тегмайди. Ярадорларнинг жароҳатини боғлар, овқатлантирар, хуллас, ҳамма ишни бажарарди. Бир-икки соат мизғиб олар, сўнг яна ишга берилиб кетарди.

Ойимхон опанинг «Ой бориб, омон қайт», Ашрап отанинг «Гулбарчиндек довюрак бўл», деган сўзлари қулоғидан нари кетмасди. Ҳар замон ҳар замонда улар билан хаёлан суҳбатлашиб ҳам қўярди:

«Отажон»! Менинг ойигинам»! Биз, албатта, ғалаба билан қайтамиз. Борди-ю, ҳалок бўлсам, Ватан учун, сизлар учун ҳалок бўламан».

«Қизгинам, думбоққинам! Ундай дея қурма сира. Сен билан,албатта, дийдор кўришамиз. Улимни эслатиб, кўзимизни ёшлатма!»

«Мени кечиринглар» Гапларим дилларингизга оғир ботди, шекилли.... Ноумид шайтон дейдилар, Ғалаба билан қайтганимиздан сўнг Сизларга айтиб берадиган гапларим бор. Ойижон эсингиздами, болалигимда менга қизиқ-қизиқ эртаклар айтиб берардингиз-да, сўнг дердингиз: «Катта бўлганингда сен ҳам ўз ўқиган китобларингдан ҳикоя қилиб берасан». «Албатта, айтиб бераман», — деган ваъдаларим эсимда.

— Машахон, нималар ҳақида ўйлаяпсиз, — унинг фикрини бўлди санитария инструктори Клава Барико.

— Ойим, дадам ёдимга тушиб кетди. Хаёлан улар билан суҳбатлашяпман.

— Мен ҳам онамни, Москвани соғиндим, — оғир хўрсиниб деди Клава. — Уруш тезроқ тугаса-ю, ҳаммамиз уй-уйимизга қайтсак...

Ҳамшира дугоналар гитлерчиларни қувиб Польша, Чехословакия тупроғига киришди, сўнг Германиягача боришди. Муқаддам Ашрапова оддий врачликдан тиббиёт хизмати капитани даражасигача кўтарилди. Қиз боши билан фашистларга қарши қўлига қурол олиб, мардларча жанг қилди. Жарроҳлик тиғи билан юзлаб жангчилармизни ўлим чангалидан қутқариб қолди. Ўзи эса ўлимнинг кўзига тик боқди.

Ғалаба билан Тошкентга, ота-онаси қучоғига қайтган ҳаяжонли ўша унутилмас кун бир умр унинг хотирасида сақланиб қолган:

— Тарихга олтин зарварақ бўлиб кирган 45-йилнинг июль ойи. Тошкент вокзали одамлар билан гавжум. Ким отасини, ким фарзандини суриштиради. Ҳамма бетоқат. Келаётганим тўғрисида уйга телеграмма бермаганим учун мени ҳеч ким кутиб олмади, тўғри уйга кириб бордим. Ойим касал экан. Дадам мен билан кўришиш ўрнига оёғимни пайпаслаб кетди. «Биз сени бир оёғидан ажралган деб эшитган эдик, қизим», — деди. Онам кута-кута толиққан кўзларини мендан узмай узоқ термулиб қолди.

— «Тиқ» этса эшикка қараймиз. Куни нима кечяпти? Нима еб, нима ичяпти? Устбоши бутми?..

Даданг билан не-не хаёлларга бормадик. Бундоқ ота бўлиб, қизингизнинг олдига бориб келмадингиз-да десам: «Нима сенга у ер Тўйтепамиди?» деб ҳазиллашгани ортиқча... Онам севинч тўла кўзларини артиб, бир бошдан ҳикоя қила бошлади...

Солдат ҳамиша солдат деган гап бор. Шифокорлар тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Муқаддам Ашрапова жанг майдонида жарроҳлик тиғини қўлидан қўймаган эди. Урушдан кейин ҳам ўз касбига содиқ қолди. У Тошкент тиббиёт институтида Михаил Сергеевич Астров сингари ажойиб устозлар қўлида илмини ошира бориб, профессор даражасини олди, сўнг республиканинг таниқли олимларидан бири бўлиб етишди.

ҚИЛ УСТИДАГИ ҲАЁТЛАРНИ САҚЛАБ...

Учинчи лавҳа

Москвадаги 2-тиббиёт институти талабаси Ҳанифа ўша куни кечқурун ўтириб хат ёзди. Хатининг устида: «Ўзбекистон ССР, Каттақўрғон шаҳри» деган сўзлар пайдо бўлди. Уни эртага жўнатарман, деб ёнбошидаги курсига қўйди, уйқуга кетди. Тонгга яқин дугоналари туртиб уйғотишди:

— Ҳанифа кўзингни оч, уруш бошланибди!.. — Қизларнинг қий-чуви хонани тутиб кетган эди. Ҳанифа эсҳушини йиғиб олиб, қизларни тинчита бошлади. Чеҳраларидаги табассум ўрнини ғазаб, нафрат эгаллаган эди.

Тезда 2-тиббиёт институти Омскка кўчирилди. Ҳанифа эса Москвада қолди. 1-тиббиёт институтида машғулотлар бошланиши билан Ҳанифа ҳам ўқиб, ҳам госпиталда санитарлик қилди.

Қирқ учинчи йилнинг августида Ҳанифа Нуруллаевна шифокорлик дипломи билан фронтга йўлланма олди. Эшелон кўнгиллиларни 1-Беларуссия томон олиб кетди. Улар ҳарбий госпиталга бориб тушишди. Госпитал ўрмон билан туташиб кетган Жуковка қишлоғига жойлашган эди. Бир неча кун оғир йўл босиб келганлар ўша куниёқ ишга муккасидан берилиб кетишди.

Ўрта бўй, қотмадан келган етакчи жарроҳ Василий Васильевич Яковлев кўнгиллилар орасидан шифокорларни ўзига ажратиб олиб, орқамдан юринглар, дея ишора қилди. Кексайиб қолганига қарамай ҳали у тетик эди. Ҳамма билан бир-бир танишиб чиққач, пилоткаси тагидан тимқора сочлари кўриниб турган, қарашлари дадил, йигирма учйигирма тўрт ёшлар чамасидаги қизга мурожаат қилди.

— Сиз, — қўлидаги рўйхатга кўз югуртирди-да, — Ҳанифа Нуруллаевна, ҳа сиз, бугун мен билан операцияда қатнашасиз, — деди.

— Хўп бўлади, Василий Васильевич.

Операция хонаси. Ҳанифанинг хаёлига турли фикрлар келиб, миясини зирқиратиб юборди. Хонага олиб кирилган ярадор жуда кўп қон йўқотганиданми увоқ-ўкина бўлиб қолган. Ориқ гавдаси чойшаб тагида билинар-билинмасди. Дардчил чеҳрасига кўз югуртирар экан, Ҳанифа унинг гезарган лабларини, кўкимтир бўлиб кетган бурун пардаларини яққол кўрди. Бирдан жунжикиб тушди. Ярадор жангчининг зангори кўзлари жовдираб боқарди. Улардан Ҳанифа қандайдир ўкингандек бўлди.

Унинг қил устида турган ҳаётини ўйлаганида қалби тилка-пора бўлиб кетди: «Наҳот ҳаётдан кўз юмиб кетаверса! Йўқ, у яшаши керак!..» Шу пайт хонага Василий Васильевич кириб келди.

— Бошладик! — деди жарроҳ жиддий оҳангда. Ҳанифа сергак топиб, тетиклашди. У тирқираб чиққан қондан ҳам чўчимади. Ярани авайлаб боғлади.

Яковлев ўз ўрнини энди унга бўшатиб берган эди. Биринчи мустақил операция. Ҳанифа ярадорнинг суниқ кўзларига қарамасликка уриниб, унинг яралган оёғига тикилганча Яковлевнинг кўрсатмаларига қулоқ солди. «Яхши, давом этаверинг», — деб далда берарди. Ва ниҳоят, у «Раҳмат қизим, қўлингиз енгил экан» —дегандай Ҳанифага жилмайиб қўйди.

Кунлар фронтда бир маромда ўтмасди. Бора-бора Ҳанифа бомбаларнинг портлашиниям, замбараклар-нинг увиллаган товушини ҳам писанд қилмай қўйди. Назарида, бу ерда одамлар ҳам бошқача. Улар худди туғишгандек меҳрибон, бир-бирига самимий. Бора-бора Яковлев қандайдир кўринмас жиҳатлари билан Каттақўрғонда истиқомат қилаётган отасини эслатади. Кулишлариям, ёқимтойлиги ҳам, ҳамма-ҳаммаси отасининг ўзгинаси.

Шу тахлитда Ҳанифа Муродова бутун фронт йўлини қўлда жарроҳлик тиғини қўймай босиб ўтди. Польша, Франкфурт, Одер... Берлиндан атиги йигирма етти чақирим берида Эркнер деган жой бор. Госпитал шу ерда тўхтади. Ҳанифа бутун оламни бағрига босишга тайёр эди.

— Ғалаба!.. Қалблар орзиқиб кутилган севинчдан қаттиқ ларзага келган, кўзларда қувонч ёшлари! Тиббиёт хизмати катта лейтенанти Ҳанифа Муродованинг кўксини Қизил Юлдуз ордени безаб турарди. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти кафедра мудири бўлиб кўп йил ишлаган профессор Ҳанифа Муродова босиб ўтган йўл ибратли. Ҳаётда армонсиз яшай олдим, деганди у.

Миршароф МУҲСИМОВ
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Данғара туманидаги «Бузрук» фирмаси ўзининг кўп тармоқли эканлиги билан вилоятдаги бошқа фирмалардан фарқ қилади. Фирмада ҳозир анча камёб бўлмиш автомобиль шиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундан ташқари фирманинг ўз кучи билан қурилган сутни қайта ишлаш заводи ҳам асосий тармоқ сифатида фаолият кўрсатмоқда. Заводда соатига 3 тоннагача сутни қайта ишлаб сариёғ, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ сингари маҳсулотлар тайёрланади.

Яқинда фирма Чинобод қишлоғида тикувчилик цехини ташкил этди. «Шарқ юлдузи»номи билан аталиб, эркаклар қўйлакларини тикишга мослашган бу цехда кунига минг донадан зиёд бозоргир маҳсулотлар тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

Суратда: колготка тикиш цехида тикувчи Дилфуза Рустамова.
Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ислоҳот ва одамлар

АҲИЛЛИК БОР -- БАРАКА БОР

Айтишларича, Қуйи Чирчиқ тумани «Ўжакент» жамоа хўжалиги худудида жойлашган «Гул» қишлоғининг 500 йиллик тарихи бор. Беш аср муқаддам бу ер обод жой бўлган. Масжиду мадраса, гузару карвонсаройидан мезбону меҳмонлар аримаган. Лоақал бир кеча тунамаган йўловчилар кейин армон қилишган. Чунки гулзорларга бурканган қишлоқдан муаттар ҳид таралиб, одамлар завқини ошириб, қулфу дилини очган. Қишлоқ ўшандан бери «Гул» деб аталади. Унинг аҳолиси ҳам исми жисмига монанд деганларидек, кўркам ва нозик таъб, хушгавозе ва покиза қалбли кишилар, дейишади.

Айни пайтда ҳам ўша аждод-шажаранинг давомчилари — 400 хонадоннинг қўли гул деҳқонларию сабзавоткорлари ва бошқа касб эгаларини ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан тезроқ чиқиб олиш мақсади бирлаштириб турибди. Жамоа аъзолари бу эзгу мақсадга фақат ҳалол ва ғайрат билан қилинган меҳнат туфайлигина эришиш мумкинлигини яхши тушунадилар. Ўтган йил якунлари ҳам ёмон бўлмади. Давлатга пахта топшириш режаси нафақат туманда, балки вилоятда биринчилар қатори бажарилди. 1771 тонна ўрнига 1920 тонна хом ашё йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги мўлжалдаги 27 ўрнига 29,33 центнерга тўғри келди. Буғдой, шоли, каноп ва чорва озуқаси экинлари режалари анча ортиғи билан адо этилди. Жамоа аъзоларининг вилоятдаги каноп етиштирувчи хўжаликларига сара уруғлик етказиб бериши анъанага айланиб бормоқда. Уруғчиликнинг йўлга қўйилиши хўжалик ҳисобига мўмай даромад келтираётир.

Юқорида жамоа аҳлининг бир қавмга мансублигига ишора қилинган эди. Аслида ҳам шундай — фалончи кимгадир тоға ёки амаки, кимгадир куёв ёхуд қуда бўлади. Суриштирсангиз деярли барчалари бир-бирларига жигар, қариндош-уруғ. Лекин собиқ «Коммунизм» давлат хўжалиги «Ўжакент», «Юлдуз» «Кенгес» жамоа хўжаликларига бўлиниб кетгач, турли юқори ташкилотларга хўжалик раҳбарлари устидан шикоят хатлари ёзила бошланди. Натижада вилоят агросаноат уюшмаси назорат тафтиш бўлими етакчи мутахассиси Нурлиҳасан Иброҳимов хўжаликнинг (1992 йил 1 июлидан 1994 йилнинг 1 июлига қадар) барча соҳалар бўйича фаолиятини бир ойдан кўпроқ вақт тафтиш қилди. 10 август куни эса хўжаликда текширишлар якунига бағишланган вакиллар, мутахассислар, бригадирлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Далолатнома нусхасида қайд қилинишича, шикоятда кўрсатилган бир қанча далиллар ўз исботини топмаган. Жумладан, хўжалик нодавлат бошқарувига ўтиши муносабати билан умумий йиғилиш қарорига кўра жамоа барча аъзолари ишдан озод этилган. Хўжалик барча раҳбарлари йиғилишда қайта сайланган (2 март 1993 йил). Табиийки, бош иқтисодчи ва 2-бўлимда ярим ставкада катта ҳисобчи бўлиб ишлаган Эргаш Тангировнинг ҳам номзоди бош иқтисодчилик вазифасига такрор кўрсатилган. Бироқ у етарли овоз ололмагани сабабли мазкур лавозимга кўп овоз олган Жамолиддин Тўлаганов (ҳозир жамоа бошқаруви раиси) тайинланади. Орадан уч ой ўтгач, беиш юрган Э. Тангиров бошқарув аъзолари қарори билан марказий таъмирлаш устахонасида норма белгиловчи сифатида ишни давом эттиради. Йил якунида эса хукумат қарорига биноан раҳбар ходимлар штати қисқартирилиши сабабли бир қанча лавозимлар қатори норма белгиловчи штати ҳам қисқартирилади. Шундан кейин Э. Тангиров норма белгиловчилик вазифасига қайта тиклашни эмас, балки бош иқтисодчилик лавозимига тикланишни талаб қилиб, касаба уюшмасига ариза ёзади. Ниҳоят, 1994 йил 1 апрель куни бошқарув аъзоларининг кенгайтирилган мажлисида бўш қолган бош иқтисодчи лавозимига Э. Тангиров ва Ф. Асраев номзодлари муҳокама қилинади ва бир овоздан ёш мутахассис Фахриддин Асраев бу вазифага лойиқ кўрилади...

— 1993 йилда жамоа хўжалиги қолоқлар сафига тушган эмас, — дейилади далолатномада,— ҳатто йил соф фойда билан якунлаган. Бошқарув раиси Абдусобит Ҳасанов эса ишдан олинган эмас, балки хоҳиш-истагига кўра ўз аризасига биноан ишдан кетган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бурноги йили голланд картошкаси етиштириш ва олинган ҳосил масаласида ҳам юқори ташкилотларга ёзишмалар бўлган. Хўжалик бош ҳосилоти Узоқ Мажидовнинг тушунтиришига қараганда, хўжаликка жами 46150 кг. голланд картошкаси келтирилган ва маҳсулот сараланиш пайтида салкам 5 тоннаси яроқсизга чиқарилган. Шундай қилиб, 41160 кг. картошка майдонларга экилган ва ундан 81345 кг. ҳосил олинган. Унинг 23480 килограмми вилоят уруғчилик омборига топширилган, 10400 килограмми келгуси йил экиш учун уруғликка олиб қўйилган. Қолган 47460 килограмми эса, умумий овқатланиш тармоғи ва жамоа аъзолари эҳтиёжи учун сарфланган.

— Шу йили хўжалигимиз картошка етиштириш режасини бажаролмаган бўлса ҳам лекин зарар кўрилгани йўқ,— дейди у.

— Хўжалик аъзолари хонадонларини газлаштириш масаласи кўрилмоқда,— суҳбатга қўшилади бошқарув раиси Ж. Тўлаганов,— йил охиригача учта қўшни хўжалик маблағлари ҳисобига бу мақсад амалга оширилади. Кичик корхоналар қуриш режамиз бор. Газ келгач, хорижий мамлакатлар ишбилармонлари билан қўшма корхона барпо этамиз.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Яхши ният билан кўчат эк!

СИЛКИНАДИ ТЕРАКЛАР

Йўл четидаги боққа туташ теракзор ўтган-кетганнинг кўзини қувонтиради. Йўловчилар «Теракларни ким ўтқазган бўлса ҳам отасига раҳмат!» деб қўйишарди. Расамади билан турган теракларнинг ким экканлигини суриштириб, унга туташ олмазор оралаб кетдик. Кўп юрмай чопонининг барини этагига қистириб, олмага шакл бераётган отахонни учратдик. Суҳбатимиз теракзор ва унга туташ боғ мавзуига тақалди.

— Бундан беш-олти йил илгари шу боғ ўрни ўнқир-чўнқир, ташландиқ ерлар эди. Шундан икки гектарини ажратиб, менга боғ қилишга беришди. Эрта кўклам бульдозерда текислатиб, ҳафсала билан олма кўчатлари ўтқазгандим. Ўтган йили ҳосилга кирди. Орасига экилган шафтолилар ҳам шиғил мева қилди, — деди отахон мамнун бўлиб.

— Ота, даромадингиздан ҳам гапиринг, — деб гапга аралашди ўғиллари Баҳодир Нурматов,

— Даромадимиз чакана бўлмади. Хўжалик кассасига 9 минг сўм топширдик.

— Энди теракзорга келсак, унинг ўрни ҳам ташландиқ жойлар эди. Вазирлар Маҳкамасининг теракзорларни кўпайтириш ҳақида қарори чиқди. Ўзим қаламчадан кўчат етиштириб ўтқаздим. Жами бир гектар. Ўтган йили 4 минг туп ниҳол сотдик. Кўчатларнинг бари Калифорния нави. Мирзатерак, кўктерак ҳам бор. Хулласи, бу йил жами 10 минг тупдан зиёд кўчат тайёр. Орасидаги майда кўчатларни яганалаб олиб, сота бошладик. Айримларини бошқа ерга ўтқазяпмиз. Раисимизга балли, бизга барча шароитни яратиб беряпти.

Кекса боғбон гапни мухтасар қилар экан боғбонлик унга бобо касб эканлиги, миришкорликни отаси Нормат бободан олганлигини, боғбонликни шарафлаб кам бўлмаётганлигини айтиб берди. Айни вақтда Абдусаттор ота энди бу касб сирларини фарзандлари Баҳодир, Бурҳон, Нодир, Маъмура, Зулфияга ҳамда келинлари Муяссарга ҳам ўргатаётганларини айтиб бердилар.

Кимда-ким боғбонлик сирасрорларини билмоқчи ёки яхши ният билан кўчат ўтқазмоқчи бўлса, Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» (олдинги «Ёш ленинчи») жамоа хўжалигига бориб, Абдусаттор ота Нормановни сўраса шовуллаб турган теракзорлар у кишининг манзили эканлигини кўрсатиб беришади.

Теракзорлар учлари боғбонга саловатлар айтаётгандек шамолда аста силкинади.

Алиба ҒОЙИБОВА.

Қиғир иш — келтирар ташвиш

«ДЕНОВ»ДА ДУВ-ДУВ ГАП...

Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Олот туманидаги «Денов» жамоа хўжалиги раҳбарларининг баъзи қилмишлари ҳақидаги миш-миш гаплар прокуратурагача етиб келди. Текшир-текшир бошланди. Қонун ҳимоячилари бир зумда оқни оққа, қорани қорага ажратишди-қўйишди.

Маълум бўлишича, жамоа хўжалиги раиси Б.Қурбонов пахта, полиз маҳсулотлари тайёрлаш режасини бажардик, бошқасининг устини ким титкилайди, деган кайфиятда 1994 йилни якунлаб юраверган. Аммо, қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилга бормади, бор-йўғи тўрт кундаёқ очилди-қўйди. Бултур хўжаликда меҳнат интизоми издан чиққанлиги, раҳбарликнинг ўта бўшаштириб юборилганлиги натижасида кузги дондан 388,4 тонна, макка донидан 69,5 тонна, сабзавотдан 44,5 тонна, шолидан 17 тонна, лавлагидан 47, маккажўхори кўк массасидан 144 тонна кам ҳосил олинган. Режалаштирилганидан бундай кам ҳосил олиниши хўжаликка 579070 сўм моддий зарар келтирган.

Хўжалик бош ҳосилоти Н.Нурматов 67 гектар ерга такрорий маккажўхори экилишига бошқош бўлганди. Аммо сарфланган уруғлик, меҳнат зое кетди — бир қадоқ ҳам ҳосил олинмади. Ернинг умри эса бекорга ўтди.

Қаранг-а, минг қилса ҳам ўрганган кўнгил-да, хўжалик раҳбарлари эски қилиқларини ҳозирги туб иқтисодий ислоҳотлар даврида ҳам синаб кўрдилар — кўзбўямачиликка шўнғидилар. Шундай бўлмаганда 4,5 тонна маккажўхори дони, 6,6 тонна полиз маҳсулоти, 5,4 тонна сабзавот ҳисоботдан яшириниб қолинармиди? Ёки 23,6 тонна кузги дон, 9,9 тонна баҳорги дон, 10,8 тонна картошка, 8,4 тонна сабзи қўшиб ёзилармиди?

Дарвоқе, бошқарув раиси Б.Қурбонов, бош ҳисобчи С.Турдиевлар шу билан қаноатланмадилар. Улар фуқароларни қабул қилиш, уларнинг арз-додларига қулоқ тутишни ҳам бутунлай унутдилар. Юз бераётган ҳар хил қонунбузарликларга панжа орасидан қаралди. Шу боис жамоа хўжалиги худудида бултур 14 та жиноят, 35 та ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилган. Экинларни пайхон қилиш 8 марта, гиёҳванд моддаларни экиш, ўстириш, сақлаш эса 9 марта қайд қилинди.

Айни пайтда хўжаликда 290 гектар ерга кузги дон, 50 гектар ерга беда, 20 гектар майдонга рож экилган. Назорат тариқасида кўриб чиқилганда қизиқ ҳолатга дуч келинди. 50 гектар майдонга экилган кузги дондан дарак йўқ, беданинг тенг ярмида эса кўчат... Умуман олганда, ҳозирнинг ўзида деҳқончиликдан 627097 сўм кам даромад олиниши «режалаштирилябти».

Хуллас, кафтдекгина жойни эгаллаган бу хўжаликдаги дув-дув гапга прокуратура текшируви чек қўйди. Энди эса «Денов» ҳалол ва меҳнатсевар раҳбарни кутяпти!..

Муҳиддин ВОҲИДОВ,
Олот тумани прокурори.
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 170 йиллигига

ЁРҚИНЛАШАЁТГАН ЮЛДУЗ

Гўзумнинг қанчалик улуғворлиги унинг ёнида турган кишиларга сезилмагани каби буюк шахсларнинг қадр-қимматини ҳам замондошлари ҳамиша тўлиқ англаб етавермайди. Улар сиймоси халқи, Ватанига қилган хизматлари вақт, замонлар ўтган сари яққолроқ намоён бўла боради. Қорақалпоқ халқининг буюк фарзанди, қорақалпоқ мумтоз адабиёти асосчиларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли ана шундай — йироқлашаётган сари ёрқинлашаётган юлдузлардан.

Ажиниёз ўз салафлари ва замондош ҳамқаламлари Жиян жиров, Кунхўжа ва Бердақ шоирлар сингари даврининг энг долзарб ижтимоий масалаларига муносабат билдирган, тарихий ҳодисаларга ёндошувда халқчил мавқеда турган ижодкордир. Унинг ижодида XIX аср Хива хонлигининг қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда олиб борган сиёсати, турли ижтимоий табақаларнинг маиший-маданий турмуши ва қарашлари ўзига хос, ёрқин бўёқларда ифода топди. Ажиниёз ўзининг юрт табиати, муҳаббат, яхшилик ва адолат мадҳига бағишланган лирикаси, ижтимоий ҳаётдаги, айрим тарихий шахслар феъл-атворидаги иллатларни фош қилувчи ўткир сатираси, халқ ҳаётининг муҳим босқичларини ҳаққоний акс эттирган асарлари билан қорақалпоқ адабиётини бойитди. Ўзининг лирик қўшиқларига, «Бўзатов» достонига куйлар басталаб, уларни халқ орасида куйлади. Ўзбек, қозоқ, озарбойжон ва туркман шоирларининг энг сара асарларини она тилига ўгирди, уларни мусиқага солиб, ижро этди, халқ орасида тарғиб қилди. Шоир бундай саъй-ҳаракати билан нафақат қаламкаш сифатида, балки халқ бастакори сифатида ҳам эътибор қозонди.

Ажиниёз шоир 1824 йили ҳозирги Мўйноқ тумани ҳудудидаги Бўзатов овулида дунёга келган. Дастлабки маълумотни овулидаги эски мактабда олган. Билимга ташналик, тиришқоқлик Ажиниёзни Хивага етаклаган. У аввал Шерғозихон мадрасасида, кейинчалик Қутлуғмурод иноқ мадрасасида таълим олган. Ёшлигида адабиёт ва санъатга меҳр қўйган Ажиниёз толиби илм сифатида мадрасаларда таълим оларкан, шарқ халқлари тиллари ва адабиётини ўрганишга алоҳида кўнгил берди. Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Бедил, Махтумқули каби ижодкорларнинг катта-кичик асарлари, айниқса, уларда тараннум этилган дунёвий муҳаббат нашидаси, адолат ва инсонпарварлик ғоялари Ажниёзни лол қолдирди, қўлига қалам ва дутор олиб куйлашга ундади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ажиниёз шоир ҳаёти ва ижодига тегишли маълумотларни излаб топиш, уларни бир тизимга солиш шу кунда ҳам давом этаётган илмий-амалий жараёндир. Изланишлар самараси сифатида топилаётган ашёлар ичида шоирнинг шахсий қўлёзмаси дея тахмин қилинаётган дастхатлар ҳам борлиги қувонарли. Яна диққатга молик жиҳати шундаки, шоир ҳаёти ва ижодига тегишли материаллар қўшни Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти ҳамда Фарғона водийси вилоятларида ҳам топилмоқда. Бу далиллар Ажиниёз асарларининг тарқалиш қўламининг нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради.

Ажиниёз яшаган давр Хоразм хонлиги тарихида ғоят мураккаб ижтимоий ҳодисаларни ўз ичига олади. Хонлик асоратидан, хусусан хилма-хил солиқлардан тинкаси қуриган халқ бир неча марта қўзғолонлар кўтаради. Шундай сабаблар туфайли бўлса керак, Ажиниёз Хивадаги ўқишини тугата олмайди. Қозоғистон овулларига бориб, қозоқ болаларининг саводини чиқаради, муаллимлик қилади. Шоирнинг «Қиз Менгеш билан айтишув» асарида уқтирилишича, асар яратилган пайтда Ажиниёз Қўжбон Мирза деган кишининг уйида муаллимлик қилиб, шу ҳисобдан тирикчилик кечирган.

Овулма-овул юриб, муаллимлик қилиш, турли тоифадаги кишилар билан мулоқотда бўлиш, халқ ҳаётини, унинг мураккабликларини ўз кўзи билан кўриш Ажиниёз учун ҳаёт мактаби бўлди. Худди шу нарсалар шоир ижоди халқчиллигини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Ажиниёзнинг «Бўзатов» достони воқеалари 1858-1859 йилларда рўй бергани ва муаллифнинг бу қўзғолонда қатнашганини эътиборга олсак, шоирнинг қозоқ саҳроларида унчалик узоқ кезмагани, 30 ёшларида жонажон овулига қайтганини англашимиз мумкин. Шоир овулига қайтгач, оддий халқ билан бирга бўлди, унинг дарди билан яшади. Буни «Бўзатов» достони воқеаларидан ва шоир таржимаи ҳолидан билса бўлади: Ажиниёз қўзғолон иштирокчиси сифатида банди қилиниб, ҳозирги Туркманистон Республикаси ҳудудидаги Қубатоғ яқинида уч йил асирликда сақланади. Шу атрофдаги катхудо туркманларнинг таваллоси ва кафилликка олишлари сабабли Ажиниёз 1861 йилда ўз овулига қайтарилади. Бандиликдан озод бўлган шоир то вафоти (1878 йил)га қадар ўз овулида муқим бўлиб яшайди.

Ажиниёз ижодининг мавзу қўлами кенг. Бироқ ёр ва диёрга муҳаббат мавзуи шоир ижодининг тамал тошини ташкил этади, десак сира янглишмаган бўламиз. Шоир лирик қаҳрамони Ватанидан йироқ тушган, унинг соғинчи билан яшовчи, юртининг бетакрор манзараларини, халқининг ажойиб урф-одатларини, ёру биродарларини соғиниб, уларга муҳаббат қўйган ёниқ юракли инсондир:

Ёлғон сўзни тўғри деб айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номардларни асло йўлдош тутмаган
Оти қорақалпоқ элларим бордир...
Нозик бармоғида феруз кўз узук,
Беллари хипчадир, бир сиқим нозик,
Қўлларида олтин-кумуш билакузук,
Солланиб кўз олган қизлари бордир, сингари мисраларда шоир қалбидаги она-Ватанга соғинч ва интилиш, у билан фахрланиш ҳисси уфуриб турибди.

Шоир ижодининг чўққиси «Бўзатов» достони ҳисобланади. Чуқур лиризм билан суғорилган мазкур асарда шоир тарихда «Бўзатов воқеаси» деб номланган 1858-1859 йиллардаги халқ қўзғолони манзарасини чизиб беришга ҳаракат қилади. Достон ўзининг тарихийлиги, бадиий бўёқлари билан қорақалпоқ мумтоз адабиётининг сара намуналари қаторидан ўрин олгандир.

Ўзбекистон халқлари эришган мустақиллик туфайли биз тарихимизни, ўтмиш маданиятимизни чуқурроқ ўрганиш имконини қўлга киритдик. Зеро, биз бугун таваллудининг 170 йиллигини нишонлаётган бобокалонимиз Ажиниёз бадиий меросини янада изчил тадқиқ қилиш, унинг натижаларини маънавиятга чанқоқ халқимизга етказишга қулай фурсат етди.

А. ТОЖИБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари.

Баҳор — гўзаллик, ишқ, муҳаббат фасли. Бу зангор фаслда олам қизларнинг қулгуси, чечакларнинг жилваси ила янада чирой очади. Новдаларда куртаклар, қўнгилларда туйғулар қийғос гуллайди. Майсаю сумбул кокиллардан балоғат ва камолот ифори уфуради. Эй комил дунё, эй беғубор қалб, жамолинг, камолинг завол кўрмасин, илоё!

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат - лавҳа.

Билиб қўйган яхши

ГЎШТНИ ҚАНДАЙ САҚЛАЙСИЗ?

Маълумки, қадим ота-боболаримиз гўштларни турлича усулда сақлаб, фойдаланганлар. Чунончи, тузлаб қўйиш, ичакларда сақлаш, сургига айлантириш ҳамда қовуриб ўз ёғига кўмиш йўллари ҳам яхши самара берган. Хонадонларимизга музлатгичлар кириб келиши билан бундай гўшт сақлаш усуллари унутилди. Ҳозир нима кўп, янги сўйилган гўшт кўп. Бурунгидек қўлга олмасдан эриб, сели оқадиган гўштлар анқонинг уруғи бўлиб қолди. Албатта, бу шукроналикка шак келтириб бўлмайди.

Лекин масаланинг бошқа томони бор. Ҳар бир оила рўзғор учун икки куннинг бирида гўштга югурмаслиги табиий. Камида 4-5 килограмм олиб сақлашга тўғри келади. Ўз-ўзидан маълумки, янги гўштлар совутгичнинг музхонасига қўйилади. Хўш нима бўлади? Бундай гўштнинг ғози қоладими? Келинг яхшиси, гўшт сақлашнинг бошқача йўллари ҳақида ҳам фикрлашиб кўрайлик.

Агар янги гўштни ўткир сирка билан шимдирилган қалин матога ўраб қўйилса яхши сақланади. Фойдаланиш олдидан совуқ сувда ювиш жоиз. Яна бир усули гўштларни бўлакларга ажратиб, сиртига кесилган лимон ишқалаш, кейин очиқ ҳавода, керак бўлса шамол тегиб турадиган жойга қўйиш ҳам ёмон бўлмайди. Иложи бўлса гўшт бўлакларини эритилган мол ёғига ботириб олиб қўйилса ҳам узоқ туриши мумкин. Ёз ойларида эса ҳар бир бўлакни етарлича туз ва зиралаб, селини оқизмай, сирланган идишларга жойлаб оқар сувда ёки сувини тез-тез алмаштириб турилади-ган тоғарада сақлаш яхши наф беради.

• Ранг-баранг олам

АЁЛЛАР ДАЪВОСИ

Маълумки, бразилиялик Ромарио АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинчиси деб тан олинган. Афсуски, моҳир футболчи аёллар даврасида қийин аҳволда қолди. Қизиғи шундаки, Ромарио таниган-танимаган аёлларнинг аксарияти мен ундан фарзанд кўрмоқчиман, деб даъво қилмоқдалар. Ромарио бу аҳволда алимент маъносида улар билан қачон ҳисоб-китоб қилади. Энг ёмони, Ромарионинг хотини бундай воқеага тоқат қилолмай футболчи билан ажралишни ният қилмоқда. Ромарио эса болаларини ўйлаб боши қотган.

Футбол

ДАРВОЗАЛАРГА ТЎП УРИЛДИ

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионати байроғи кўтарилди. Янги мавсумни кўтаринки руҳда ва ҳужумкорлик билан ўтказишга шайланган футболчилар дастлабки учрашувлардаёқ ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишга интилдилар.

Мамлакат уч карра чемпиони «Нефтчи» жамоаси Самарқанд динамочиларини қабул қилиб, дарвозага тўртта жавобсиз тўп киритиш билан ўз ҳисобига дастлабки учта очкони ёзди. «Нурафшон» жамоаси ҳам мухлисларни қувонтирди. Бухороликлар «Машъал»ни қабул қилиб, ғалаба (3:0) қозонишди. «Навбаҳор» — «Чирчиқ» учрашувида майдон эгалари иккита жавобсиз тўп киритишди. «Сўғдиёна» — «Наврўз» жамоалари учрашувида ҳам шундай ҳисоб қайд этилди. «Политотдел» ҳамда АСК жамоалари учрашувида томонлар дарвозаларга иккитадан тўп киритишди. Пахтакорчилар мавсум бошидаёқ ўз майдонларида «Трактор» жамоасига (0:1) имкониятни бой бериб, мухлисларни ранжитишди.

Ие, йўқ-е, наҳотки?!

БИР СОАТ ШАРШАРА ОСТИДА

ЛЕНИНАКАНЛИК 42 ёшли Торгом Григорян совуққа чидамлиликда ўз ҳамюртларини лол қолдирди. У шу йил январь ойида ялангоч ҳолда қорда 1 километр масофага чопди, сўнг очиқ ҳаводаги шаршара остида 1 соат турди ва яна 1 километр масофага югуриб борди.

Бояқиш касал бўлиб, ётиб қолган бўлса керак, деб ўйлаётган бўлсангиз янглишасиз. Соғлигига путур етмаганини кўриб, ватандошлари унга тасаннолар ўқишди.

ДАНАК ТУПУРИШ МУСОБАҚАСИ

ШВЕЙЦАРИЯДА «спорт»нинг янги тури - гилос данагини узоққа тупуриш мусобақаси анча оммалашган. Унинг шарти жуда оддий: иштирокчи гилосни ейди-да, чуқур нафас олиб, данакни имкони борича узоққа тупуради.

Сэнт-Обин шаҳрида 1500 «спортчи» иштирокида ўтказилган расмий мусобақада ўрнатилган 19 метру 15 сантиметрлик натижа ҳозирча рекорд кўрсаткич дея тан олинмоқда.

БИР ЎТИРИШДА 51 ТА БЛИНЧИКНИ «ТИНЧИТДИ»

АВВАЛЛАРИ Югославияда ҳам ғаройиб беллашувлар ўтказилиб туриларди. Шундай беллашувлардан энг диққатга сазовори Бар шаҳрида бўлиб ўтганди. Ўшанда ичига асал солинган блинчик ейиш бўйича мусобақа бўлганди. Унинг шартига кўра, 45 дақиқада ҳеч қандай ичимликсиз энг кўп блинчик тамадди қилган киши ғолиб ҳисобланиб, махсус соврин билан тақдирланарди. Сўнгги бор ўтказилган мусобақада 65 киши қатнашиш истагини билдирган. Беллашувни шаҳар ҳокимларидан иборат нуфузли ҳайъат бошқариб турган.

Мусобақа бошлангандан сўнг 20 дақиқа ўтар-ўтмас, унинг иштирокчиларидан атиги 7 киши қолди. Беллашувнинг қирқ иккинчи дақиқасида 51 та блинчикни «тинчитган» 22 ёшли Бранко Шврич ғолиб деб топилди. Бу вақтга келиб унинг бошқа рақиблари ўйиндан чиқиб кетишганди.

ҒОЛИБ ИМИ-ЖИМИДА ТАҚДИРЛАНДИ

ҚАЙТА қуриш даврининг «плюрализм» палласи авжга минган пайтда турли танловлар ҳам қўпайиб кетди. Масалан, Омскда бўлган танловни ажойиб ҳам деб бўлмайди, ғаройиб ҳам. Уни бир сўз билан аҳмоқона танлов дейиш мумкин. Негаки, у ерда буралаб сўкишлар танлови бўлиб ўтди. Тўғри, танлов оғзаки эмас, балки ёзма равишда бўлган, бироқ оқ ит, қора ит — барибир ит деганларидек бу танлов ҳам... Айниқса, бу танловнинг ҳам ўзига хос совринлари борлигига нима дейсиз?

Қизиғи шу бўлдики, мусобақа тугагач, ҳакамлар ҳайъатининг боши қотди: ғолиб «ихтиро» этган сўкишни қандай эълон қилиш борасида, охири ўйлаб-ўйлаб ғолибни ими-жимида тақдирлаб қўя қолишди.

ОЁҚ КИЙИМЛАР ОТИЛДИ

УШБУ мусобақа ҳам уша қайта қуриш даврида ўтказилган. Уни «Тюменский ведомости» газетаси ўлкада биринчи марта ғаройиб мусобақа сифатида ўюштирган. Унда иштирокчилар ўз оёқларидаги туфли ёки ботинкаларини узоқ масофага оёғида улоқтиришлари керак эди.

Беллашувда тюменлик футболчилар ғолиб бўлишган. Улар туфлиларини 24 метру 40 сантиметр узоқликка отишган. Иккинчи ўрин 17 метр масофага улоқтирган трактор ускуналари заводи ишчисига насиб этган.

Мусобақа ҳомийси бўлмиш «Сибирь» пойабзал фабрикаси раҳбарияти ғолибларни бир қадаҳ арақ ва бир бакал шампань ҳамда бир жуфтдан қишки ботинка билан сийлаган.

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА

Маҳаллий хом ашёдан хилма-хил газмоллар тайёрлай оладиган, жаҳон талабларига жавоб берадиган энг сўнгги маркадаги тўқув дастгоҳларига эга бўлишни истайсизми?

МАРҲАМАТ!

Украинадаги Черновци енгил саноат машинасозлиги бирлашмасининг Марказий Осиёдаги расмий ва ягона вакили —

"ЭКУМА"

фирмасига мурожаат қилинг.

Фирма Тошкентдаги омбордан:
КО-2 спорт ва ички кийимлар;
МПФ-6-10 устки кийимлар;
ПА-қўлқоп тўқувчи;
"Нева-5" қўлда тўқишга мўлжалланган дастгоҳларни

сотади.

Ҳақ тўлаш усули-Сизга маъқули.
Қўнғироқларингизни кутамиз.

Телефонлар:
35-96-39 (соат 8 дан 18 гача)
37-31-04 (соат 17 дан 21 гача)

Масъулияти чекланган жамият «НСН» фирмаси 1995 йил 1 апрелидан бошлаб

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ўзбекгеофизика» Давлат геологик корхонаси «Эркин» бўлими чекланмаган миқдорда биогумус ва Калифорния қизил чувалчангларини

СОТАДИ.

ҲУРМАТЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ФУҚАРОЛАРИ! БИЗНЕСМЕН-ИНВЕСТИЦИЯЧИ ЖАНОБЛАР!

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ ҚУЙИДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ЭРКИН СОТУВГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АКЦИЯЛАРИ СОТУВИ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Акционерлик жамиятлари номлари	Акциялар сони	Уларнинг умумий устав фондидаги ҳиссаси (%)	Бир акциянинг баҳоси	Опционнинг бошланғич ставкаси (бажарилган опцион баҳосига нисбатан % ҳисобида)	Опционнинг юқори ставкаси (бажарилган опцион баҳосига нисбатан % ҳисобида)
Олмалиқ "Ширинлик" қандолатчилик фабрикаси	461	16	1000	25	1000
Олмалиқ мебель комбинати	6224	16,3	250	25	1000
Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош)	203358	26,1	500	25	1000
"Тошкент" мебель ишлаб чиқариш ижара бирлашмаси	13404	16,3	250	25	1000
Қўқон тикувчилик фабрикаси	2590	35	500	25	1000
Қўқон пайпоқ тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси	31380	32	500	25	1000
"Килдон" консерва заводи	3041	24	1000	25	1000
Урганч қандолатчилик фабрикаси	1861	32	2500	25	1000
"ЧКСМиК" Чирчиқ ҚМК акционерлик жамияти	6767	18,9	500	25	1000
Тошкент тажриба таъмирлаш-механика заводи	1029	8,8	500	25	1000

ТАНЛОВ МУДДАТИ: матбуотда эълон қилингандан кейин 10 кун ичида. Танлов шартлари ҳақида маълумот ва аниқликлар олиш учун Хусусийлаштириш Миллий Инвестиция фондига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 6, 3-қават.

ЙЎНАЛИШ: А. Навоий номли кутубхонанинг чап қаноти.

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати ва жамоат ташкилотлари Марказий Кенгаш таҳлил ва тахмин гуруҳи раҳбари М. Л. Ельшовга ўғли

Леониднинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат жамоаси концернинг овқатланиш ва савдо комбинати директори Шораҳим Шомаҳмудовга акаси

Шоҳамид ШОМАҲМУДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси «Ўзсувқурилиш» давлат концерни «Сувқурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли «Механизация ва нақлиёт» воситалари бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиги И. С. Салаевга волидаи муҳтарамаси, қаҳрамон она

Шарифа ая МАДАМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.30* 1 2 3 4 5 6.